



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2011-yil, 7-yanvar • № 2 (4089)

## УСТОЗ ВА ЁШ ИСТЕЪДОД

Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги олдидан

Мумтоз адабиётимиз бобокало-ни Алишер Навоийнинг сермазмун ҳаёти, шахсий фазилятлари, иқтидор ва камолоти замондошлари учун намуна бўлганидек, бугунги ёш ижодкорларимиз учун ҳам ибрат мактабидир. Маълумки, Навоий жуда кўп ёш ижодкорларга раҳнамолик қилган. Ўнлаб истеъдод соҳиблари — шоир ва муаррих, rassom ва хаттотлар бу қуёшсимон зотнинг ҳиммати ва ҳамияти соясида вояга етганлар. Улуғ шоир истеъдод тарбияси борасида, таъбир жоиз бўлса, истеъдод педагогикасини ишлаб чиққан. Истеъдодни таниш ва эътироф этиш йўллари, табиий қобилият, билим ва меҳнат, таҳсил ва адабий таъсир, рағбатлантириш ва талабчанлик, ахлоқий сифатлар ва унинг истеъдодга таъсири, гоёвий етуқлик ва маҳоратни ўстириш каби масалалар ўз ўзининг доим диққат маънаси бўлган.

«Устознинг бу борадаги қадрияти»нинг «Мажолис уна-на» амса ун-мутахайлирин», «Маҳбуб ул-қуллуб», «Тарихи ҳуқамо», «Насоийм ул-муҳаббат» каби бир қатор асарларида, шунингдек, замондошлари асарларида ўз ифодасини топган.

«Мажолис ун-нафоис»нинг учинчи ва тўртинчи мажлисларида ёш қаламкашлар ҳақида, ижод аҳлининг тарбияси хусусида сўз борди. Навоий ижодкор шахс ҳақида гапира туриб, биринчи навбатда, унинг истеъдоди даражасини белгилайди. Чунончи, «хуштабъ киши», «яхши таъблик йигит», «таъби ҳам, ҳофизаси ҳам яхши», «таъбгиниси бор», «назмга майли бор» каби иборалар орқали шоирнинг ижодий иқтидори, шеър айтиш маҳоратини фарқлайди. Шундан сўнг ёш ижодкорнинг шеърятдаги қайси бир тур ёки жанрга майли борлигини (ҳажвгўй, маснавийнавис, ғазалсаро, муаммочи) ҳамда унинг услубини (ошиқона шеърга майли, орифона ижод, ҳазинлик, қувноқлик ва бошқалар) аниқлаб, шунга кўра тарбия, таҳсил тадбирларини қўллайди. Ҳаддан зиёд ҳазин куйловчи айрим ёшларни кузатган шоир бунинг сабабини аниқлағач, эҳтиёткорлик билан уларнинг руҳини кўтарган, фаол ва ишчан бўлишга чақирган.

Давоми учинчи саҳифада.



14 январь — Ватан ҳимоятчилари кунин

— Муқаддас Ватан ва унинг ҳимояси ҳақида гап кетганда юрагимизда ватанпарвар аждодларимиз ҳис этган ва бизга мерос бўлиб ўтган туйғулар кечади. Ватанин севиш ва ардоқлаш — инсоннинг ўзлигини белгилловчи улугъ фазилятдир. Бу фазилят қондан-қонга ўтиб келади. Ватан ҳимоячиси деганда сиз нимани тушунаси?

Ўша-ўша тиниқ тасаввур ҳали ҳам ҳаёлотимни тарқ этмаган. Неча-неча йиллардан бери, мана ёшим ҳам қирқдан ошди, ўша гўзал инъикос, тиниқ манзара шуурида муҳрланиб қолган. Қонқонимни кўпиртириб, вужудимни ҳаяжонга солган ўша беғубор тасаввурда чегарадаги аскарнинг гўзаллики, сокинлики, онани, оилани, келажакни, шу улугъ тушунчалар жамланган Ватанин

## ДУНЁ — ИНСОН КАФТИДА

Ёзувчи Кўчқор НОРҚОБИЛ билан сўхбат

— Бошқаларни билмадиму, Ватан ҳимоячиси деганда менин кўз ўнгимда ҳарбий либосда, кўксида қурол, чегарада ғоз туриб олисларга кўз тиккан аскар гавдаланаверади. Худди олддаги хатарга нигоҳ қадаб, кўкраги билан тўсиб, ортдаги осуда ҳаётни — қаноти қия очик дераза пардасининг тонг шамолида тебраниб, титраб туришию ичкаридаги жувон ётоқда кўксига гўдагини босиб ухлайётган оқ-харир тўшақдаги тўлин ой ва унинг ёнидаги беғубор болакайни кўриқлаб тургандай бўлаверади. Болаликда аскар ҳақидаги қайси бир шеърни ўқиганимдаги

ҳимоя қилиб турганини ҳис қиламан. Болаликда Ватан ҳимоячиси га қандай ҳавас қилган бўлсам, ҳозир ҳам ҳавасим шундай баланд. Балки эҳтироддир, балким эътиқоддир, нима бўлганда ҳам ҳарбийликка ҳавас-иштиёқим юксак эди. Очиғи, ҳарбий бўлишни орзу қилганман. Ҳарбий бўлишга ҳаракат ҳам қилганман, бироқ ҳаёт экан, бадий ижодга иштиёқим баланд келди. Бироқ руҳан ҳар биримиз Ватан ҳимоячисиимиз.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ЎЗ УСЛУБИНГ БЎЛГАНИГА НЕ ЕТСИН



Мадинабону Мусаева Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги иқтидорли болалар академик лицейида ўқиган. Ҳозир консерваториянинг эстрада факултети 3-курсда таҳсил олмоқда.

Навқирон авлод сўзи

Репертуарида «Кўшчино» (Алишер Навоий ғазали), «Шароб», «Соқиномаи савти калон» (Бобур ғазаллари), «Фаргона рубоийси» каби мумтоз кўшиқлар, «Бахтли бўл», «Кечир», «Ташкент мадҳияси», «Эй ёри жоним», «Байрам муборак бўлсин», «Дил изҳори», «Бибижон» каби эстрада кўшиқлари бор. 2010 йили «Нихол» мукофотини қўлга киритди. Ёш хонандага дастлабки саволимиз санъат оламига кириб келиши ва ижод моҳиятини қандай тушуниши ҳақида бўлди.

5

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ижодкорнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, адабиёт ва ҳаётнинг бир-бирига самарали таъсири хусусида материаллар бериб бораётгани, жумладан «Ҳаёт ва ижод» рўқни жорий этилгани менга ҳам маъқул бўлди. Таниқли адилларимиз нафақат бадий адабиёт соҳасида, балки жамиятимизда кечаётган ўзгаришларга ҳам ўз муносабатларини билдирмоқда. Бу, ўз навбатида, муштарийларда жамият ҳаёти хусусида мулоҳаза юритиш, мавжуд муаммолар ечими бўйича тақлифлар айтиш масъулиятини кучайтиради.

Юртбошимизнинг «Инсон мақсадсиз, халқ эса гоёсиз яшай олмайди» деган яхши ибораси бор. Яъни, улугъвор манзилни қўзлаган одам ҳам, эл ҳам мақсад ва гоё аниқ бўлган тақдирда унга эришиш шарафига мурасар бўлади. Биз мустақиллигимизнинг бошидаёқ Юртбошимиз раҳбарлигида ўз тараққиёт йўлини танлаб олдик. «Ўзбекистон — келажак буюк давлат», «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин», «Биз ҳеч қандам кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам» каби шioriлар ҳар бир фуқаро қалбидаги тоза ниятга айланди.

Албатта, ҳар қандай гоё миллатнинг ноёб анъаналари, фазилятлари, ори ва гурури, орзу-ниятларини ўзида мужассам этсагина, халқни етаклашга қодир кучга айланади. Бу жиҳатдан иқболи қулган халқмиз, десак, янглишмаймиз. Бунга йигирма йиллик тараққиёт йўлимиз гувоҳ. Мамлакатимизда ривожланишнинг революцион эмас, балки эволюцион, яъни, ҳаётнинг ўзи каби тадрижий тараққиёт йўли танлангани боис, кимлардодир, эҳтимол, бу жараён катта йўлни шовқин-суронсиз босиб ўтаёт-

## ҚАЛЪДА ШАВҚ ЎТИ ЁНСА

гандек таассурот колдириши мумкин. Аслида-чи? Утган йиллар давомида қанча-қанча синов ва машақатлар ен-

Ҳаёт ва ижод

ғиб ўтилмади, дейсиз. Бунинг устига эзу режаларни амалга ошириш жараёнидаги тўсиқлар — совет давридан қолган боқимандалик, масъулиятсизлик ва бефарқлик, укувсизлик, янгина яшашга кўника олмаслик каби иллатларга қарши кураш, атрофдаги ҳавф-хатар ва хуружлардан ҳимояланишни ҳам ҳисобга олсак, ўтган даврнинг ҳар лаҳзаси халқимиз учун чинакам жасорат оналари бўлганига ишонч ҳосил қиламиз.

Яъни ният — ярим давлат, деганлари рости. Иштиёқ ва ишонч билан интилиш натижасида биз мақсади-

мизга эридик. Тараққиётнинг «ўзбек модели» халқро миқёсда эътироф этилди, тан олинди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бизга ҳадеб ўз талабини қўйишдан нарчамайдиган айрим «демократ»лар инсон онги-шуури босқичма-босқич ривожланишни мамлакатимиздаги ислохотлардан ўрганишса ёмон бўлмасди.

Келинг, майли, баъзи давлатлар нафосиятига тегмасдан айта қолайлик: бундай мақбул тизимни ўзларида қўллаётганлар нега кўпайиб бормоқда? Халқро нуфуз барча ўлкалар учун зарур маҳсулот ишлаб чиқариш билангина ўлчанмайди. Даврнинг ҳозирги талаби мураккаб ва аён: халқро интеграцияга ким кўпроқ ҳисса қўшяпти, қайси давлатда адолат ва қонун устувор? Тинчлик ва оқсоишталлик барқарорми? Дунё қайси давлатнинг барқарор ривожланиш ташаббусларига кўпроқ ишонади?

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг халқро анжуманлардаги ҳар бир чиқиши воқеа сифатида намоеён бўлди. Хатто қудратли давлатларнинг раҳбарлари, дунё сиёсатдонлари ҳам Президентимизнинг халқро низоларни бартараф этиш, ҳамкорликни икки томонлама манфаатдорлик асосида замонавий босқичга кўтариш борасидаги тақлифларига мойиллик билдирмоқда.

Хусусан, БМТнинг Мингйиллик тараққиёт дастурига бағишланган саммитида Президентимиз сўзлаган нутқ Ўзбекистондаги демократик янгилашлар нечоғли табиий, қонуний эканлигини яна бир қарра

намоиш этди. Кўп ўтмай Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг кўшма мажлисида демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш юзасидан ўртага ташлаган концепция ҳам нафақат мамлакатимизда, хатто хорижда ҳам даврнинг ўзига хос янги концепцияси сифатида эътироф этилди. Чет эл матбуоти бу ҳақда кўплаб мақола-лар берди.

Шоир ва адилларимизнинг «ЎзАС» саҳифаларида шу мавзудаги чиқишлари ҳам эътиборли бўлди. Шу билан бирга, уларнинг бугунги ижодий жараёндан қоникмаслик борасидаги мулоҳазалари ўринли бўлди, деб ўйлайман. Юртбошимиз «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» риволасида адилларимизни одамлар ҳаётига чуқурроқ киришга, уларнинг орзу-ўйлари, қийинчиликларни енгиб ўтишдаги матонатлари ҳақида ёзишга даъват этгани бежиз эмас.

Тарихдан маълумки, кўплаб мамлакатларда инқироздан чиқиш учун аҳолига, жамоатчиликка турли кўринишда даъватлар қилинган. Мисол учун Японияда аёллар барча қимматбахо тақинчоқларини давлат хазинасига, қорхоналар қуриш учун топширганини ўқиганимиз. Яна бир юртда заём чиқаришган, Покистонда эса ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида барча сиёсий партиялар фаолияти тугатилган. Америка Қўшма Штатлари эса фақат хорижлик оқил тадбиркорларга имконият бериш орқали ўнлаш йўлига кирган.

Давоми иккинчи саҳифада.

## КўНГИЛ ҲАЙРАТЛАРИ

Бадий академиянинг Марказий газмалар залида истеъдодли шавр Бехзод Маҳмудовнинг кўнги кўргазмаси очилди. Унда даҳинг қирққа яқин сара ранг-рангли намоиш этилмоқда.

Мусавирнинг атроф-муҳитдан, табиатнинг барча фаслларидан олган таассуротлари «Тераклар», «Табиат уйғонганда», «Олтин куз», «Баҳор келди», «Ёз гуллари», «Тепалик», «Хумсонда киш», «Мудрок табиат» каби асарларида ишонарли ифода этилган. Бехзод Маҳмудов ижодий

Кўргазма залларида

фаолият билан бир қаторда кўп йиллардан буён Камолитдин Бехзод номдаги миллий расомлик ва дизайн институтида бўлажак расомларга сабоқ бериб келмоқда. Кўргазма очилиши маросимида мусавирнинг ҳамкасблари, маданият, санъат аҳли, муҳлислар қатнашди. Б.Маҳмудов Бадий академиянинг кумуш медали билан тақдирланди.

Баҳром ТОҶИЕВ

Бадий академиянинг марказий кўргазмалар залида анъанавий «Табиат ва расом» кўргазмаси очилди. Унда намоиш этилган икки юздан ортиқ асарда табиат нафаси уфуриб турирди. Мана йигирма олти йилдики, Бадий академия заллари ўзининг кўргазмалар мавсумини анъанавий Табиат ва расом кўргазмаси билан тугатади. Чорак

асрда ижодкорлар авлоди, уларнинг асар яратишдаги услуб ва йўналишларида катта ўзгаришлар рўй берган бўлса-да, табиат олами, борлиқни ифодалаш ва профессионал маҳоратни мукамаллаштиришга интилиши ўзгармади. Табиат — расом учун ижод манбаи. Унинг сеҳрли жилоси ижодкорларни ҳар доим ўзига мафтун этиб келган.



Бошланғич биринчи саҳифада.

Биздасиз? Бизда мустақиллик бошидаги барча оғир юкни давлат, аниқроғи давлат раҳбари ўз зиммасига олди. Фақат бугина эмас. Давлат барча ислохотлар ташаббусини ўз зиммасига олди. Бунинг натижасида биз жамиятимизнинг кўпчилиги хавас қиладиган ҳозирги босқичига етиб келдик. Энг муҳими, бунёдкорлик мамлакатимизда одатий ҳолга айланди. Йилларга ўзига хос ном берилгани ў ёки бу муаммога жамоатчиликни жалб этишда муҳим рол ўйнапти.

Бундан ташқари Самарқанд мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўча шаҳар бугунги кунга келиб, тамомла янгича қиёфа касб этди. Айниқса, тарихий обидалар таъмирдан чиқарилиб, ободонлаштирилган сўнг ҳориқликлар эътиборини янада кўпроқ тортмоқда. Кўча шаҳарда қурилиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Қувончлиси шундаки, ҳар йили туманларда бир-иккитадан замонавий янги қишлоқлар пайдо бўлаётди.

Дарвоқе, вилоятда ижод қилаётган шоирларнинг қизғин ҳаёти ҳақидаги хабарлар ҳам бу хайрли ишлардан четдан тургани йўқ. Кейинги йилларда фермер хўжаликлари, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижодий урдушулар анъаналари айланган. Сайдулло Мирзаев, Нурат Раҳмат, Олқор Дамин, Жумгал Сунонаев, Ориф Ҳожи, Исмаил Саънаев каби уюшма аъзолари янги асарларини чоп этдилар. Утган йил охирида бўлган анжуманда китоблар тақдими, адабий учрашувлар, ёш ижодкорлар билан ишлаш, ҳатто телевидение ва матбуотдаги чиқишларимиз юзасидан аниқ мақсадли режарлар тўзиб олдик.

Самарқандда Иноят Неъматов деган отахон яшайди. Сақсонни қоралаб қолган нуруний эрталаб, энг аввало, янги газеталарни арақлайди. Кўнгли таскин топади, кейин нонушта қилади. Баъзан ҳатто бирон оддий хабар ҳам, агар жўнроқ ёзилган бўлса, танқидий муносабат билдириб келади.

Яқинда у киши билан яна кўришиб қолдик. — Кеча маҳалламизга бир нотиқ келиб суҳбат ўтказди. Одамлар кўп машина харид қилаётгани, тўю тантана бисёрлиги халқнинг бойиганидан, турмуш осойишталигидан, деб

— Ахир, бу унинг шахсий жамғармаси... — Ҳамма иллат шундай нуқтани назарда! Бизда давлат мулкани муҳофаза этиш тизими бор. Бироқ хусусий мулкдан фойдаланиш малакаси йўқ. Кўпчилик янада самарали иш-

рига ўта олишмаяпти. Ҳолбуки, Маҳмудхўжа Бехбудий «Самарқанд» газетасида 1913 йилдаёқ тўй-томшалардаги ортиқча харажатлар миллатимизнинг бой бўлишига ҳалақит беришини асослаб, ўнлаб мақола ва ҳажвийлар ёзганди, тўйпарастликни манманлик ва жаҳолатга тенглаштирганди. Бизнинг кўпчилигимиз эса бундай тантаналарда қўл қовуштириб туришни ёки нўтқ сўзлашни одамгарчилик ва обрў деб билами.

Яна бир масала. Янги китоблар жуда кўп чиқаяпти. Яхшиям, савиясизлариям китоб чиқаришдаги тартибсизликлар, савё асарлар ҳақида мақола ёзишни илтимос қилдим. У: «Мен буюртма асосида ёза олмаман», деди. Ҳолбуки, аслида мен унга ўз вазифасини бажармаётганини ишора қилганим. Негаки, айнан шунга ўхшаш ижодкорлар савё асарларга ҳамду саного тўлиқ мақола-тақризларни дарҳол ёзиб келишади.

Сўнги эътирозим ноширларга. Нашриётлар ўртасида рақобат бўлгани маъқул. Аммо улар учун умумий қоидалар ҳам бўлиши керак. Масалан 15 ёшга тўлган қизнинг бир йилда бор-йўғи юз нусхадан иборат учта китобчасини чоп этишни қандай тушунмоқ керак? Демокримани, моддий манфаат ва маънавий зарар масаласи ўз баҳосини олиши зарур.

Президентимиз халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясидаги нўтида масъул вазифа эгалари хусусида сўз юритиб, «Ҳоким учун эл манфаати йўлида майда иш йўқ» дея таъкидлади. Халқнинг эркин яшashi, эркин ишлаши, фаровон турмуш кечиришини таъминлашга фаоллар ҳам раҳбарлар каби масъул эканлиги алоҳида эътибор қаратилди. Адиблар жамиятининг фаол зиллилари эканини ҳисобга олсак, ижод аҳлининг доимо халқ орасида бўлиши, унинг яратувчилик фаолиятини бадий образларда ҳам эътириши ҳам қарз, ҳам фарз эканини англаш қийин эмас.

Ижодкор давр фарзанди. У ўзи яшаб турган муҳитда, жамиятда шаклланади. Демак, у ана шу жамият олдига ҳамма бурчдор.

Ижодкор давр фарзанди. У ўзи яшаб турган муҳитда, жамиятда шаклланади. Демак, у ана шу жамият олдига ҳамма бурчдор.

Агар адабиётшунослар ҳақсала қилишмаса, адабий танқиднинг бор-йўқлиги сезилмас, эҳтимол асарлар таҳлилни тажрибали адиблар зиммасига олишар. Бу масалада «ЎзАС» ташкилотчилик ролини бажариши лозим, деб ўйлайман.

Яқинда таниқли бир адибга рини йўқотмайдиган, турфа ёт мафкураларнинг бўронларига қарши тура оладиган инсонни тарбиялашдан иборатдир, деган руҳ сингирилган. Инсон фарзанди ўз миллийлигини йўқотмай, илдиизи ва қадриятларидан қўч олиб, ҳар қандай тўфонларга дош бера олишига ишора қилинган. Яъни, адабиёт абадий сабоғи эканлиги ургу берилган, деб ўйлайман.

— Утган асрнинг сақсонинчи йилларида сиз ҳам шўролар салтанати арғон халқи бошига солган ноҳақ урушнинг оғир оқибатларини ўз бошингиздан кечирдингиз, бу воқеаларни асарларингизда рўйроқ тасвирлашга ҳаракат қилдингиз. Яқинда «Кўзларингизни кўргани келдим» қисса ва ҳикоятлар тўпламинингиз нашр этилди. Замонамиз қахрамонлари руҳияти акс этган «Тақдир синовлари» драматик асарингиз Миллий театримизда саҳналаштирилди. Қирғин-баротни бошидан ўтказган ёзувчи дунё ва унинг моҳияти ҳақида қандай хулосалар чиқаради?

— Дунёнинг бор мазмуни тинчлик ва осойишталик моҳиятида мўжассамдир. Урушни кўрганлардан сўранг, тинчлик нима? Тўғри, улар гапириб беролмасликлари мумкин. Бироқ уларнинг нигоҳидаги ўзига хос мунг ёки ўзига хос «кексалик» уруш нимаю тинчлик нима-лиги ҳақида сўзлайди. Бироқ бу гапларни қалбингиз билан эшитишингиз керак бўлади.

Урушда инсониятнинг онги, қалби, шуури яраланади. Уруш — инсониятнинг жаҳолат ботқоғига ботиб, қарғишга дучор бўлиши. Бундан ортиқ қиймат бўлмайди.

Шукурки, тинчлик ва осойишталик қандай буюк неъмат эканини бугун юртимиздаги бунёдкорлик ва фаровонлик, миллатларга тотувлик мисолида кўриб турибмиз.

Бугун дунё инсоннинг қафтида турибди. Уни юксакка, кўшга тутиб асраб-авайлаш ҳам, ёхуд ерга уқотириб, чилларин қилиш ҳам инсоннинг қўлида, инсоннинг эъзмида. Биз ана шундай глобал даврда яшайпмиз. Бани-башар бугун «Тинчлик» деб бир ёқадан бош чиқариши, эзгуликка, ёрғуликка юз бериши лозим.

Сўхбатдош Рустам МУСУРМОН

Фармон ТОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

“Ғафур Ғулом” тақдим этади

Одатда янги йил бошланганда ҳар би киши беихтиёр ўз-ўзига «Хўш, ўтган йил меннинг умримда, фаолиятим ёхуд ижодимда қандай из қолдирди?», деган саволни беради ва хаёлан бўлса-да, мана шу қисса миздат давомида буюк ўтилган манзиллар, эришган ютуқларига бир қур назар солиб, ҳосилу махсул сарҳисобини қилади. Шу жумладан, бу сарҳисоб тўғриси, муайян корхона, муассаса ва ташкилотлар, ижодий жамоаларга ҳам ҳосидир.

Бизнинг Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам ўтган йили жами юздан ошди. 100 дан, уч миллион нусхада бадий китоблар, умумтаълим мактаблари ҳамда лицей, касб-хунар коллежлари учун ўқув дарсликларини чиқарди.

Нашриёт-матбаа ижодий уйининг бевосита ихтисослиги адабиёт ва санъат соҳаси бўлгани боис, мунтазам равишда республикамиз ижодкорларининг энг сара ва янги асарларини таллаб нашр этишга ҳаракат қиламиз.

«Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида «Зулфия» муқофотига сазовор бўлган сажиз нафар ижодкорнинг шеърий тўпламлари, Ҳ.Шайхоннинг саргузашт-фантастика жанридаги «Рене жумбоғи» асарини ҳамда юртимизнинг етакчи файласуфлари, сийёсатшунос олимлари томонидан тайёрланган «Маънавият» асосий тушунчалар луғати китобини нашр қилдик, ёшларимизга тўхфа этдик.

Бундан ташқари, «XX аср рус шеърий» номи ўзига хос антологияни нашр этдикки, унда ўтган асрда нафақат рус адабиётига, балки умумжаҳон адабий тафаккури ривожига муҳим ҳисса қўшган Б.Пастернак, А.Ахматова, М.Цветаева, О.Мандельштам, А.Вознесенский, Е.Ев-

тушенко, Н.Рубцов каби ўнлаб шоирларнинг энг сара шеърлари дасталанган. Таржима адабиётлар йўналишида Қ.Мирмухамедов ўтирган «Эпоп масаллари» номи қиссалар тўплами, Акбар Мирзанинг «Аёзи чўзилган баҳор» асарлари, айниқса, «Шукур Холмирзаев замонадошлари хотирасида» номи ёдноманинг нашр этилиши жамоамизнинг азиз китобхоналаримизга муносиб тўхфаси бўлди, деб ўйлайман. Янги йилда ҳам бир қатор жиддий лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганимиз. Биринчи гада буюк бобокалонимиз Алишер Навоий тавалудининг 570 йиллиги муносабати билан шонининг тўла асарлар тўпламини нашр этишга киришдик. Янги йилда шарқнинг мутафаккири шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари янгича жило ва кўр билан ўқувчилар ҳуқига ҳавола этилади. Ва албатта бир қатор замонадош шоир ва адибларимизнинг янги асарлари китоб ҳолида муҳлисларга тақдим этилади.

Янги йил режалари

Замонадош ижодкорларимиздан М.Аъзамнинг «Қуғи япроқлар» девони, Қ.Норқобилнинг «Кўзларингизни кўргани келдим» номи қиссалар тўплами, Акбар Мирзанинг «Аёзи чўзилган баҳор» асарлари, айниқса, «Шукур Холмирзаев замонадошлари хотирасида» номи ёдноманинг нашр этилиши жамоамизнинг азиз китобхоналаримизга муносиб тўхфаси бўлди, деб ўйлайман. Янги йилда ҳам бир қатор жиддий лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганимиз. Биринчи гада буюк бобокалонимиз Алишер Навоий тавалудининг 570 йиллиги муносабати билан шонининг тўла асарлар тўпламини нашр этишга киришдик. Янги йилда шарқнинг мутафаккири шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари янгича жило ва кўр билан ўқувчилар ҳуқига ҳавола этилади. Ва албатта бир қатор замонадош шоир ва адибларимизнинг янги асарлари китоб ҳолида муҳлисларга тақдим этилади.

Илҳом ЗОЙИРОВ, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

ДИЛ ЖАВҲАРИ

Техника тараққиёти юксак даражада ўсиб бораётган даврда компютер ва интернет тармоқларидан фойдаланиш инсон учун жуда кўп қулайликлар яратди: вақтни тежайди, кўп маълумотга эга бўлишга имкон беради. Айни чоғда эса ундан олинмаган маънавий озиқ ва ҳиссиётлар янада теран моҳият касб этди. Негаки, билим ва тажриба, юксак тафаккур, табиат ва ҳаёт қонунарига доир кашфиётлар китоб орқалигина авлодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтади. Ешлар қалбидидаги китобга бўлган меҳр ва қизиқини ошириш мақсадида Тошкент ислом университетини Ахборот-ресурс марказида «Китоб билан олам мунаввар» деб номланган тадбир ўтказилди.

Тадбир мумтоз мусиқа садолари остида, Алишер Навоий бобомиз китоб мутолаа қилаётган пайтда иниси Дарवेशалининг кириб келиши ва уларнинг симиий суҳбати саҳнаси билан бошланди. Навоий ҳазратларининг: «Бу муборак юртда қилинадиган ишлар бениҳоя кўпдир. Бу ишларнинг ҳар бирига элимиз асарлардан бери ташнадир. Масалан, бир кутубхона яратмоқ ҳаёлим бор... Биз шундай кутубхона бино қўйилликки, бутун эл қошида манзур ва муътабар бўлсин» деган сўзлари; яхшилик билан нў «қолдирмоқнинг ўзи улар муқофот эканлиги ҳақидаги фикрлари тадбирга янада чуқур мазмун бахш этди.

Университет ректори Р.Абдуллаев ва марказ директори Н.Мирҳожиёвалар иштирок шарафати билан аждодларимиз орзу қилган кутубхоналар юртимиз шаҳар ва туманларида тобора кўпайиб бораётгани, Юртобшамизнинг кутубхоналар фаолиятига катта эътибор қаратаётгани, китоб инсон ҳаётининг неъмат эканлиги ҳақида сўзладилар. Шунингдек, тадбирда Ахборот-ресурс марказида ишга тушган янги Кармат (Корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими) дастури ҳақида батафсил маълумот берилди. Бу дастурга ҳозиргача 3539 номдаги китоблар киритилган. Бу иш яна давом эттирилмоқда. Дастур яқин орада тўлалигича ишга тушади.

Тадбирда ўтган йилнинг ноябр ойида Ахборот-ресурс маркази фондига келтирилган 310 номдаги янги адабиётлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага Президиент И.Каримовнинг асарлар тўплами, илмий, ижтимоий, сийсий китоблар, дарслик ва ўқув қўланмалари ҳамда бадий адабиётлар, жумладан, тарихий асарлар, шеърий китоблар ва жаҳон адабиёти намуналари қўйилди.

Малоҳат ОРТИҚОВА

Журналларни арақлағанда

Журналнинг бу йилги сўнги сони Нодирбек Сайфуллаевнинг «Театр ва замон» мақоласи билан очилди. Муаллиф яқунланган йилда республикамиз театрларида намойиш қилинган спектакллар хусусида фикр юритади, «Ўзбектеатр» бирлашмасининг 2011 йилги вазифаларига тўхталади.

Республика кўғирчоқ театрида араб халқ эртақлари асосида саҳналаштирилган «Оловуддиннинг сехри чироғи» (А.Чуприн пиесаси) спектакли ҳақидаги фикрларни профессор Ҳамиджон Икромов тақризида ўқийси. Режиссурага муаммолари ва ютуқлари... актёрлик этикаси... У қандай бўлиши керак? Бу саволларга «Режиссёр масъулияти» (Тоғжой Исроилов билан суҳбат) ва «Саҳна — тарбия маскани» (Жаҳонгир Маматқосимов) таҳлилий мақоласида жавоб оласиз.

Санъатшунос Аҳмаджон Раҳимов мақоласида Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев раҳбарлик қилаётган «36+1=» «Дийдор» театр-студияси саҳналаштираётган спектакллар ҳақида сўз юритади.

«Шекспир ва драма тўғрисида» (Лев Тўлстой) ва «Театр — Дюма тақдирида» ва шу каби буюк инсонлар ижодида оид қизиқарили маълумотларни кейинги саҳифаларида ўқийшингиз мумкин. Шунингдек, журналнинг мазкур сониде «Китоб театр расмони», «Нурли йўл», «Бугунги куннинг гапи», «Орпеганин» зорлари бор», «Одам бўлиш қийин», «Саҳнада ифода воситалари» каби мақола ва тақрирлар, примера ва хабарлар билан танишасиз.

Мулоҳаза

ликаси Олий Мажлисига тақдир билан тасвирлар киритилган. Ички ишлар вазирлиги бу борада жиддий назорат фаолиятини бошлади. Пиротехника воситаларидан фойдаланишни таъқиқлаш борасидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳаётиимизда ўзининг ижобий самарасини берганига гувоҳимиз. Фикримизда, уяли алоқа воситаларининг фойдаланиш борасида ҳам уқумат миқёсида дастур амалга оширилса, айна мундир бўларди. Бинобарин, юз бешақ маънавий талафотларининг олдини олиш осон ва савоабалидир.

Муҳаммадсодиқ САЙФУЛЛАЕВ

ДУНЁ — ИНСОН КАФТИДА

Бошланғич биринчи саҳифада.

Ватанни севиш, Ватанни ҳимоя қилишни бировга ўргатиб бўлмайди. Ори, виждони бор киши, агар у чиндан ҳам одам бўлса, Ватандан ташқарида Ватан йўқлигини ҳис қилади. Ватаннинг ўзида, ботинида эканлигини қалбдан англайди, Тирик одам

ҳарбий хизматчиларнинг эмас, эркакми-аёлми, ёшми-қарими, ўқитувчиси ёки фермерми, ким бўлишидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг бурчи ва вазифаси. Ҳар биримиз ўз ишимизни сидқидилдан бажарсак, маълум маънода Ватан ҳимоясига ҳам ҳисса қўшган бўламиз. Шундай эмасми?

— Тўғри айтдингиз. Ҳар ким ўз

кўрқмоқ керак. Уйига кўчат эрмаган одам, кўшнинг ҳовлисига ниҳол экармиди, оиласини эъзозламаган, тарбия қилолмаган одамга Ватан ҳақида гапириб бўладими? Кичик гишлардан тикланган иморат осмонга устун бўлгани каби, осондан ҳатлаган ватанпарварлик кенг Ватанни камраб олишига имоним қомил. Ҳар бир катта-кичик эзгу ҳаракат улкан ишларнинг мустаҳкам пойдевори бўлиши мумкин. Бунга ажабланмайман. Шундай ҳақиқат билан яшаётганимиз учун ўзимни широбоз, баландпарвоз қаламқаш, деб ўйламайман.

— «Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдига янги-янги уфқлар очиб била бирга, биз илгари кўрмаган, ҳуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда, — деб таъкидлайди Президентимиз «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида. — Бугунги мураккаб ва таҳликали замонада ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда». Бу сўзлар журнални ва ёзувчи сифатида сизни нималарга даъват этади?

— Адабиёт абадий ҳақидаги, эзгулик ва гўзаллик ҳақидаги буюк сабоқ, мангу ҳикматдир. Адабиёт инсонни инсон бўлиб қолишига ундайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини йўқотмасликни ўргатади. Аниқроғи, инсон қалби зарбаларнинг қудрати, инсон ботинидаги куч-қудратни талқин қилиш ва ифодалаш адабиётнинг энг муҳим мақсадларидан бири. Инсонни кашф этиш, инсонни англаш, тушуниш йўлида адабиётнинг сочи оқариши, кучга тўлиши, неча бор ўлиб-тирилиши ҳам ҳақиқат. Демак, адабиёт инсонийлик илдизи, уни заминга боғлаб турган тегирмонларнинг талқин қилади. Президентимизнинг юқоридаги гапларига эса адабиётнинг вазифаси — ҳар қандай давр, ҳар қандай заминга мақсадлар



ботинидаги Ватанин бировга бериб қўйди? Ота-онаси шунда, оиласи шунда, ор-номуси шунда. Шу улғу, нури туйғуларни қандай қилиб ҳимоя қилмаслик мумкин? Негаки, онани ва Ватанин жимгина меҳр ва ардоқ туйғуси билан севиш мумкин. Бироқ уларнинг ҳимоясига навбат келганда ўртага ор-номус тушади.

Бирор ватандошим менга: «Мен Ўзбекистонни сиздан кўра кўпроқ севаман...», деса мен ундан хафа бўлмайман, аксинча унга хавас қиламан, шундай ватандошим борлигиндан гурурланаман. Бундай туйғу билан яшаш ҳар бир ватандошимиз қалбиде идиш отишини, ҳар бир Ўзбекистонлик тасавурида шундай тушунча шаклланишини хоҳлардим.

— Ватанни ҳимоя қилиш фақат

ишини қойиллатиб бажарса, Ватан қанчадан-қанча фидойилар ҳимоясиде гурқираб яшнайверади. Ёзувчи яхши асар ёзса, келажак авлод қалбини Ватан туйғуси билан нурандирса, Ватан нима, ватансизлик нима эканини бадий ҳақиқатлар тисолиде ҳаққоний тасвирласа, борбон кўчат экса, боғ яратса, деҳқон даласини гуллатса, чўпон сурувини кўпайтирса, йўлсоз йўл курса, қурувчи иморат бунёд этса, хуллас, ҳар ким ўз ишини виждон ами билан баҳоли кудрат бажарса — мана шу аъмоллар, хатти-ҳаракатлар замирида оддий, инсоний ватанпарварликни, чин дилдан қилинган Ватан ҳимоясини кўриш мумкин.

Танбал ва лоқайд одамлардан кўрқиб керак. «Оғзи билан юрадиган»лардан

Биз XXI аср ёшлари, оламшумул ихтиролар, кашфиётларга тўла бир даврда яшайпмиз. Ке-чагина ҳаммани хайратга солган компютер мўъжизасини бугун оддий ҳодисадек қабул қиламиз. Худди шунингдек, йигирма йилча муқаддам ҳаёлимизга ҳам келмаган қўл телефонлари бугун шу қадар оммалашиб кетдики, бундай «беминнат дастёр» сиз илгари қандай яшаган эканмиз, деган хаёлга ҳам боради, киши. Оддий мисол, болалигимизда бирор тўй ёки маърака бўлса, битта машина ва икки нафар киши овора бўлар, турли манзиллардаги қариндош-уруғ ва дўсту ёрларни уйма-ўй хабарлаб келинарди. Ҳозир эса телефон орқали арзимаган фурсатда ҳал этилади. Ҳам вақт, ҳам маблағ тежаллади.

Лекин танганин ҳам олди ҳам орқа томони бор, дейишади. Шу

маънода бугун беминнат дастёрларимизга айланган қўл телефонларининг ҳам ўйлаб қўришимиз лозим бўлган жиҳатлари таллайгина...

Яқинда бир воқеанингу гувоҳи бўлдим. Автобусда кетатириб кимнингдир бор овози билан сўзини юборганини эшитдим. Кўпчилик қатори мен ҳам овоз келган томонга қарадим. Лекин одам тирбанд бўлгани боис, аввалига нима бўлаётганини англай олмадим. Чиптаси йўқ билортаси «қўлга тушган» деб ўйладим. Йўқ, ундай эмас экан, чиптаси бемалол йўловчилар оралаб юрибди. Орқа ўридиқда ўтирган ким мактаб ўқувчиси телефонда ким биландир гап талашаяпти. Болага танбех бериш ҳеч кимнинг эсига келмади, эшитмаганга олмиши. Ишга, ўқишига, бозорига ошқабатганлар эрталабданоқ асабларини бузгиси кел-

УЯЛИ ТЕЛЕФОН ВА УЯТЛИ СЎЗ

мадими, ишқилиб... Ешларимиз бўш вақт топди дегунча бир-бирларига «sms», «tms»лар ёзишади. Бу нарсалар ортиқча исрофдир. Шу боис уларнинг ота-оналарига фарзандлари учун фақат алоқага чиқатиш ва эшитиш функциясига эга бўлган оддий телефон олиб беришларини тақдир қилган бўлардим. Ана шунда иккита хавфнинг олди олинади. Биринчидан, болалиқ турли ноҳўя лавҳалар, «tms»y bluetoothларга ўралашиб қолмайди. Иккинчидан, кўча-қўйда юрадиган фарзандингиз

қимматбахо телефонни эъзига дуч келиши мумкин бўлган таҳдидлардан халос бўлади. Шу ўринда, интернет ҳақида ҳам қисқача тўхталмоқчиман. Айтишларича, унинг хизматлари олдиде энг зўр совчилар ҳам ип эшолмай қолганмиш. Сабаби баъзи ёшларимиз, «икки кўнгли бир бўлса, совчи деган на керак?» дея интернет орқали ўзларига ёр излаётган эмишлар. Ҳатто телефонларни интернетга улаб, эртадан кечгача «чат»да гаплашадиган ёшларини кўпайиб бораётгани ташвишлидир.

Кимлардир фойдали мақсадларда фойдаланиш учун интернетга муҳтож, булар эса бу неъматнинг қадрига етмай пули ва вақтини беҳудага совуришмоқда. Ана шундай ёшларнинг асариятида халқимизнинг неча асарлардан бери ўтиб келаётган азалий қадриятларига, урф-одат ва анъаналарига эскилик саркити, деб

беписандлик билан қараш ҳоллари учрамоқда. Бундан ташқари, уяли телефонларнинг инсон соғлиги учун хатарли жиҳатлари хусусида ҳам тиббий таътиҳотларни хулосаларига бепарво бўлмаслигимиз керак. Ешларимиз энг сўнги модел телефон билан эмас, энг кўп роман ўқиға-

ни ёки энг кўп шеър ёдлагани билан фахланишса, мусобақалашшиша, дея орзу қилсан, киши. Тарбия ота-онанингу ўз фарзандига бера оладиган энг катта бойлигидир. Уларни китоб мутолаасига ўргатиш, кутубхоналарга бориш, шеърхонлик кечаларда иштирок этишларига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ҳозирда умумтаълим мактабларида ота-оналар билан шартнома тузилиб, телефондан фойдаланиш борасида қатъий назорат тартиби йўлга қўйилмоқда. Тегишли мутахасис олимлар уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш масаласида Ўзбекистон Респуб-



Омон МУХТОР

# БЎЛИБ ШАЙДО ГЎЗАЛЛИКДАН...

## “Шарқ дафтари” дан



Бу ҳаёт дарё экан. Кетмай шу дарё қошидан, Гоҳ варақтайман ҳаётимни китобдек бошидан.

Бахтлиман? Омадлиман? Омад ва бахт ё менда йўқ? — Билмадим. У ҳам, бу ҳам ҳар кимда қисмат тошидан.

Билганим — ёмғир ва қор кечганча минг йиллар яшаб, — Бошланок дунё тўқилган кулгию кўз ёшидан.

Ҳарқалай, нур изладик, йўлларда зулмат лашкари, Хайрият, бу кунга етдик умримиз бардошидан.

Неки бўлсин, ўзгариб олам, бу кун, эл-юрт билан — Мен юрибман бирга миннатдор бўлиб Юртбошидан.

Сиз ажабланманг, толиқмасдан ёниб-қуйса Омон, Энди асло чиқмасин тош деб ҳаётнинг ошидан.

Мен уни севдим бериб жоним, берар деб жонини, Сўзласам бу тўғрида, кўрдим унинг исёнини.

Қанча сен бўлма фило, ҳар ким фило бўлмас экан, Ўз-ўзин ўйлар экан топса қачон имконини.

Англагин ёр нозини, дерлар — ҳаёт балки шудир? — Сенга билдирмас гўзаллар дилдаги достонини.

Севгидан кўп сўзласам бизнинг аёллар, сарая ҳам, Тутмагин иш, ўлчагандек ер билан осмонини.

Сен фило бўлсанг, фило бўлгин ва айтма бўл фило, — Сенга шартми текшириш икки юракнинг қонини?

Севганингда бахт туйиб, таскин топиб юргин, Омон, Тўлдириб сен ҳам муҳаббатнинг буюк майдонини.

Қачондир, эҳтимол бошдан, бўлиб пайдо гўзалликдан, Яшармиз энди ҳарҳолда, бўлиб шайдо гўзалликдан.

Гўзаллик — сен. Гўзаллик аслида ёрдан бўлак бўлмас, Бу оламда азалдан барча «во-вайло» гўзалликдан.

Гўзаллик — гарчи суйган ёр, гўзаллик — гарчи беозор, Келар умрингда минг гурбат, бутун гафго гўзалликдан.

Қотар бошим менинг баъзан, тану тошим менинг баъзан, Жунунга тундиму қолдим буюк савдо гўзалликдан.

Севинг чехранми гулгулдир, севинг жасминми бир гулдир, Бу гулзорда алашдим мен қочиб танҳо гўзалликдан.

Сезиб-сезмай гўзаллиқни, яшаш мумкинми ўртанмай, — Юриш мумкин ҳаётингда Омон гўё гўзалликдан.

Мени энг тоза бир гул сингари қолдирди лол гулгун, Дейиш ортиқча ҳатто қанчалик соҳибжамол гулгун.

Худо берса гўзаллиқни, бераркан тўлдириб коса, Бу ҳикмат бобида, айтиш керак, минг хил савол гулгун.

У ўтди кўчалар, ким сездим, кимлар қолди сезмасдан, Учиб ўтди, десам бўлмас, эсиб ўтган шамол гулгун.

Сўзим йўқдир, бирон сўз изламоқнинг ҳождати ҳам йўқ, Кўринган туш каби гулгун. Ажиб эркин ҳаёл гулгун.

Уни кўргач, ҳаёт маъносини ўйлашга тундими бот, Турибман чанг ютиб йўлда, бораркан баркамол гулгун.

Боқиб расмим каби унга, чизайми, дер Омон. Сўнг дер: Сени тасвирламоқ лекин, ўлимдан ҳам маҳол, гулгун.

Сенга бор сиррим аён бўлган дуруст, Жон десагн, жонингда жон бўлган дуруст.

Гарчи бу ҳолатни айтдим. Айтман — Гоҳида лардинг ниҳон бўлган дуруст.

Яхши бўлмақ истадим, сен яхши бўл, Мен ёмон бўлсам, ёмон бўлган дуруст.

Не бу ҳикматдир, азал йўл тўрт томон, Тўрт томондан биз томон бўлган дуруст.

Сен билан тунди тану жонимга ўт, Мен Омон бўлсам, омон бўлган дуруст.

Таниқли ёзувчи Носир Фозилов нафақда. Сал бепарворок бўлиб хабар ололмай қолсам ўзлари телефон қилиб қоладилар.

— Ҳой бола, қаерларда юрибсан? Бир хабар олай ҳам демасан.

Бизда ҳам жавоб тайёр туради.

— Оқсоқол, шу кунларда хабар олишни ўйлаб турувдим. Ишлар кўпайиб кетди. Эртанин бир ўтаман.

— Ҳа, майли, — дейди оқсоқол одатлагидай. — Кеннинг шилпидоқ қилаётувди. Уйга кириб ўтасанми, деб ўйловдим.

Носир аканикида чўзма лағмону шилпидоқ еб катта шоир, ёзувчи бўлиб кетганлар қанча. Бу гаплардан кейин менда ҳам дарров вақт топилди. Туртагина ёпган нонни кўтариб оқсоқол зиёратига ўтаман.

Яқинда Носир акадан навбатдаги кўнгирак бўлди. Ҳар доимгидек йўқолиб кетганимга танбех эшитиб олдим.

— Чоршанба кунни соат иккида Педагогика университетида талабалар билан учрашув бўларкан. Университет домласи Сафо Матчонов билан Турсунбой Адашбоев бош-қош. Йўқ деёлмадим.

Бир настига не деяримни билмай жим қолибман, шекилли, гушакдан оқсоқолнинг «хў шоир» логан овози эшитилди. Давомини айтишга имкон бермадим. Сабаби, бу ёнга ҳарқалай одамни қувонтирадиган гап чиқмайди.

— Бўлди, бўлди, оқсоқол, — ледим шошиб.

— Ярим соат олдин ўша ерда бўламан.

Очиги, менда бундай талбирларга кўпма ишқибозлик йўқ. Ўзинг яхши билган адиб, унинг асарлари ҳақидаги бир хил гаплар сал эриш туюлади. Яна топган вақтларини қаранг.

Дарслар тугаб уйга отланаётган талабанинг дилга учрашув сизгидими? Унинг ҳаёли тезроқ уйга бориб қоринни тўйгазиш гамида бўлади-ку.

Шу халлар билан талбир ташкилотчиларидан бири, маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректор Нуриддин Дусановнинг хонасига кириб бордим. Носир Фозилов, Сафо Матчонов, шоир Мирпўлат Мирзо, қорақалпоғистонлик таниқли ёзувчи Муродбой Ниганов ҳамда шоир Музаффар Аҳмад чой ичиб ўтиришган экан. Биргалишиб ўтирибмиз-ку, ҳаёл кўргун яна қайларгадир олиб қочади. Бугунги талабаларини унча-мунчага қойиб қолдирибман.

Вақт эса кам қоляпти. Шу пайт таниқли ёзувчимиз Тоҳир Малик, Турсунбой Адашбоев, Маҳмуд Саъдий, сал ўтмай Ёзувчилар уюмаси раисининг ўринбосари Сирожиддин Саййид, уюшма масъул котиби Бобур Ғиёсов кириб келишди. Анча хотиржам тордим.

Эркин Воҳидов ва Анвар Обиджон кириб келишганида эса янада дилим ёришиб кетди. Бошларим устоз ва талабалар йиғилган залга кирдик. Мезбон сифатида Сафо Матчонов худратли адиб Носир Фозиловнинг олтиш йиллик ижодий фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб берди.

Уюшма номидан сўзга чиққан Сирожиддин Саййид устознинг асарлари ҳақида кўпма тўхталмасдан, у кишининг одамийлик фазилатлари, бирга сафар қилган чөларидаги ҳангомалардан сўзлаб, даврани хушхонлиқнинг юқори чўққисига кўтариб берди.

Ўзбекистон Қарақорум, Халқ шоири Эркин Воҳидов қатнашган даврда бўлган одам зукко адиб томонидан теша тегмаган иборатлар қўлланганига алоҳида тўхтов бўлди. Шонимиз бу гал ҳам одатига солиқ қолди. Носир Фозиловга ала-



биётимизнинг доимий очилиб турадиган гули деб баҳо бериб, у кишига бағишланган гўзал шэрини ўқиб берди. Зал қарсақлардан ларзата келди.

— Носир ака, — деди Эркин ака ёнида ўтирган «айбдорга» ҳавас билан қараб. — Илгари эллик, олтиш ёшга кирган ёзувчиларимиз шалтираб қолишарди. Сиз саксонни шарманда қилдингиз, юзаним шарманда қилинг.

Бу гаплар кейин давраларнинг завқини тасвирлашдан оқиман. Уни фақат кўриш ке-

ёлғондакам жаҳл қилибди.

— Ҳалеб кўприк деб устимдан босиб ўтаверасанми?

Мурод ога шошиб қалибди.

— Узр устоз, узр!

— Устоз, устоз дейсан-ку, мендан тешага чиқиб яллайиб ётиб олганинг нимаси?

Воқеа нима билан тугатганини эшитилмай қолдим. Навбатдаги ҳангомалар сўнг янграган талабалар кулгуси бутун зални босиб кетди.

Ўзимга келиб қўлимга қаламни олганимда Анвар Обиджон Носир ака билан боғлиқ воқеаларни олтириқчасига шарҳлаб тингловчиларнинг ичагини узишга киришиб кетганини, Ундан кейин Мирпўлат Мирзо билан Носир Фозилов янги таржималар устида ишлаётганини билди олдим. Унча-бунча нарсалар қойиб қолавермайдиган Маҳмуд Саъдий кўпга ёш ижодкорларнинг юзга чиқишида Носир Фозиловнинг бўлганини меҳр билан сўзлади. Турсунбой Адашбоев ҳамда Музаффар Аҳмад устозга атайган шэриларини ўқиганда бу эҳтиромдан давра қалқиб кетгандай бўлди.

# СОҒИНЧ

Сир эмаски, ҳозирги кунда асарлари кўпга ўқилаётган ёзувчилардан бири Тоҳир Малик саналлади. Бир пайтлар Носир ака адибнинг бир қиссасини тит-питини чиқариб, чоп этишга ярамайди, деб қайтариб берган экан. Маъриди келганида Тоҳир Малик «гина» қилиб олди. Аммо яқинда ўша асарни яна бир бор кўздан кечириб ўз вақтида тўғри баҳо берилганини тан олди. Маълумки Носир Фозилов қарош алабийларни кўп таржима қилди. Шу боис у киши ҳақида гап кетганда алабийлар ўртасида боғловчи кўприк дейишди. Тоҳир Малик ўша таърифта бироз ўзгариш киритди. Кўприкнинг устидан унисиям-бунисиям босиб ўтаверди. Носир ака алабийларнинг метиндек бирлаштирувчи «елим» деб таърифини аниқлади.

Талбирга Қорақалпоғистондан етиб келган Муродбой Нигановга бу гап мойлек ёқиб тушди. Шу «кўприк» тўғрисида устоздан даққи эшитиб олганини яшириб ўтирмади. Маълум бўлишича, Мурод ога устоз билан поезда узок сафарга чиққан экан. Устоз настида, Муродбой талғали ўринида ҳангомалашиб кетишди.

Ҳамроҳининг ёшларга ҳамisha ғамўрлигидан таъсирланиб кетган Муродбой лўф қилибди.

— Сиз ростдан алабийларни боғлаб турувчи мустақам кўприкисиз, — дебди юқоридан настига қараб.

Бироз қувлиги ҳам йўқ эмас Носир ака

Мен ёзувчи, ношир, моҳир таржимон Носир Фозилов билан бирга ишлаш бахтига мушарраф бўлганман. Маълум маънода у кишиндан панд-насихатлар олганман. Ойбек, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор каби буюк устозлар, уларнинг адабиёт учун қилган хизматлари, ёш ижодкорларга кўрсатган меҳрибонликлари ҳақида гапирганларидан ҳар доим хайратга тушардим. Бир ўйлов эса сира тинчлик бермасди. Ҳозир ҳам шундаймикин? Шундай экан, Носир ака ҳақида бир онг гап айтиш учун шунча ижодкор йиғилганини кўриб шу фикрга келдим. Одамлар бир-бирига меҳрибонлик қилипти. Биз уни сезмаемизки ёки бироз бепарвомиз.

Ҳа, айтгандай, анжуман боис яна бир нарсани сездим. Талабалар адабиёт олами, уларнинг вақилларини соғинишди. Мен буни эшик олдида жой йўқлигидан соғлаб тик оёқлар турган ёки бир ўтирган жойида михланиб қолган талабаларнинг юз-кўзларидан кўрдим. Талабалар қувончини кўриб шавқи ошган устозларнинг гулгун чехрасида кўрдим.

Юсуф АБДУЛЛАЕВ

Оппоқ тўшларини осмонга бериб ётган тоғлар эстагига кўй-кўзилар ёйиб кетган. Кўёшнинг илк заррин нуллари қорли чўққиларга тушиб, тоғ бошини яшнатиб юборади, азим арчаларнинг учларини ёритади. Сўнг дам ўтмай, нур қашқабулқнинг жилғаларида жилвланади, тонг сахардан муздек сувни сипқорайтган болакайнинг кўзларида акс этади. Бир учига тугун илинган, силлиқлиниб кетган иргай таёқ ҳам қуёшда ялтиради.

Тонг шуқуддан маст чўпон бола кунгайда ўтлаётган кўйларга бир кўз ташлади-да, белбоғини ёзди, китобини олиб, нонни қайта ўраб қўйди. Тун ярмидан оғиб ўйдан чиққан бола шу лаҳазаларни, кўёш чиқишини қанчалар кутганди. Аввалга ой ёруғида ҳам китоб варақлаб кўрди, бўлмади. Кеча оидин бўлса-ку, ўзи биларди-я, эски лампанинг ичини олиб ташлаб, сув тўлдириб, ясаб олган лупасини ой нурига тутар, ундан йиғилиб ўтган ёруғлик китобнинг тугмадек жойини ёритади, шунда эртақларни бемалол ўқийверса бўларди. Қўй юовш жонивор, хали у ёққа, хали бу ёққа югуравермайди, бош-бошига ҳар тарафга сочилиб кетмайди, бир жойда айланаиб, уюшиб ўтмайди. Шу боис кўй боқиб китоб ўқиш учун зўр имкониёт.

Ҳадемай адирни қий-чув тутуди, тенгдошларининг ўйинқароқ шовқини тоғларда акс-садо беради. Чиллик, қулоқ-чўзма, пиёда кўпқари, футбол — ўйиннинг ҳам тури кўп-да! У эса нукул китоб ўқигани-ўқиган. Ундан кўра, тенгқурларига кўшилиб эшакминди ўйнаса бўлмайди-ми? Ўзи, бу болага ҳеч ким тушунмайди.

— Кўп ўқима, Донишга ўхшаб жинни бўлиб қолсан, — дейди опалари. — Китобдан бошингни кўтармайсан. Ишдан қочасан-да! Молнинг тагини тозаласанг, шу фойдамасми сенга, — дейди акалари. Бутун қишлоққа Дониш жинни намуна, унга ўхшаб қолишдан қўрқиб болалар қўлига китоб олмайди. Лекин бу болакай мутуолага муккасидан кетган.

У доим уйига шошади, гузар олдидаги сада тағида ҳаммаёққа қўлоблаб сув септириб, пишқириб оқаётган ариққа уч-тўрт пиво ташлабди, сўрида ёнбошлаб ётган қишлоқдошлари билан ҳам тез-тез ҳол-аҳвол сўрашди-да, тақлифларини бир баҳона билан рад этиб, ўнгдаги кўчага бурилади. Халиги одамлар эса ортиндан: «Алишер ҳеч элга қўшилмади-йўшилмади-да, одамгарчиликдан чи-

қиб кетган», деб бошини сарак-сарак қилиб қолишади. Алишер кўчага бурилиши билан Субхонқул бобонинг тутти тағига қарайди: бу ерда ҳам шу аҳвол, кўни-кўшни тўпланиб олишиб, карта ташлашмоқда. Ҳамма уни кўриб бошини кўтарди:

— Э-э, Алишербой, Алишербой!

— Э-э, Алишер ака, Алишер ака!

Даврада отаси қатори ҳам бор, боласи қатори ҳам. Улар хира пашша бўлмайди. Фақат ортидан бир-бири-

Шундан завқ оладими? Дунёқарашини кенгайтириб, билимини бойитиб, мартабасини юксалтирмоқчимиз? У нима учун мутуола қилишини ўзи ҳам билмас кераг-ов...

Бир кишини танийман, ёши етмишга етиб, саксонга саркаган. Лекин икки жойда ишлаб, пенсия олиб, ойига етти юз, саккиз юз минг сўм атрофда топса керак. Буниси бизга қоронғу, аниги шуки, ҳар ой юз минг

Бир кишини танийман, ёши етмишга етиб, саксонга саркаган. Лекин икки жойда ишлаб, пенсия олиб, ойига етти юз, саккиз юз минг сўм атрофда топса керак. Буниси бизга қоронғу, аниги шуки, ҳар ой юз минг

Шивир-шивир, минғир-минғир гапларни у ҳам эшитишди. Йўлда учраган ҳар ким билан беҳуда гап талашсанг, умринг қандай ўтганини билмай қолсан, деб ўйлаб, индамай кетаверди. Лекин бу гал майда гаплар ҳам негадир баданини найзадек тешиб ўтди. Тўғри-да, қариб чорак кам бир аср китоб ўқиди-я. Нима мақсадда? Нега? Нима учун? Жавоб топишга ҳам улгурмади, қўлига илинган китобини олиб, очилган бетига кўз югуртирди. Одат шун, бирор нарсадан юраги сиқилса, тўғри келган китобини тўғри келган жойидан ўқиб кетаверди. Бирдан сергақланди, муқовага қаради: «Жалолиддин Румий». Бу асарни неча марта ўқиб чиққан бўлса-да, аммо манави мисраларни Мавлоно худди ҳозир келиб ёзиб қўйгандек, илгари ҳеч қачон учратмагандек, жуда қаттиқ таъсир қилди. Пурҳикмат сўзларини шошмасдан оқ қорозга чиройли хусниҳат билан кўчирди. Кўнглига тасалли бериш учунми, ё бутун умр жинга тегиб келган китоб-севмаслар кўрсин, дедими, кўзга ташлаб турадиган жойга, зичлаб китоб терилган жавон ойнасига ҳазрат Румийнинг фикрлари битилган қорозни ёпиштириб қўйди: «Тан ва руҳ хушхабар ила манзилга ошққан от ва суворийдек айрилмасдир. Аммо от озиги суворийга овқат бўлмайди. Ҳар бирининг ўзи емиши, ўз насибаси бор. Суворий отни ўз изига сололмас, у эгасини манзилга эмас, охурга элтади».

Унинг нима зарил китоб ўқибди? Аби-туриент ёки студент эмаски, имтиҳонларга тайёрланса. Уқитувчи ҳам эмас, дарсларга хозирлик кўрмайди. Умуман, касб-кори китоб билан боғлиқ эмас. Шундай экан, ишдан чарчаб қайтган, қишлоқдошлари билан муздек ариққа оёқни тикиб шалолатиб, муздек пиводан симириб, ўтган-кетган одамларни ғийбат қилиб ўтирса, тунги ўн бир-ўн иккиларда уйга келса, яхши эмасми? Чарқоқлар ёзиларди! Ёки кўшнларини билан карта ўйнаб, у ёқдан-бу ёққа олиб, ўтган-кетган жувонларга кўз ташлаб ўтириб, вақтни ўтказса? Ёки... хуллас, йўли кўпда-ей! Қирққа кириб, қирчиллама ёшида китобга мук тушиб ўтирса-я?! Мақсади нима ўзи?

Ер юзидеги турфа воқеаларни кўравериб толиққан кўёш бошини хобхобига қўйди. Шу пайт у ҳам бир сумка китоб билан кўп қаватли уйлар-

га гап ўқиради: — Шу ҳам ҳаётми? Китоб қўлтиқлаб ишга шошади, китоб қўлтиқлаб уйга шошади. Яшашнинг завқини билмайди!

— Тўғри-тўғри...

У кечки овқатдан сўнг фарзандлари билан ярим соат-ярим соатдан дарс тайёрлайди. Болалар ухлагач, китобнинг хатчўп солинган бетини очиб, мутуолача келган жойидан давом эттиради...

Унга нима зарил китоб ўқибди? Аби-туриент ёки студент эмаски, имтиҳонларга тайёрланса. Уқитувчи ҳам эмас, дарсларга хозирлик кўрмайди. Умуман, касб-кори китоб билан боғлиқ эмас. Шундай экан, ишдан чарчаб қайтган, қишлоқдошлари билан муздек ариққа оёқни тикиб шалолатиб, муздек пиводан симириб, ўтган-кетган одамларни ғийбат қилиб ўтирса, тунги ўн бир-ўн иккиларда уйга келса, яхши эмасми? Чарқоқлар ёзиларди! Ёки кўшнларини билан карта ўйнаб, у ёқдан-бу ёққа олиб, ўтган-кетган жувонларга кўз ташлаб ўтириб, вақтни ўтказса? Ёки... хуллас, йўли кўпда-ей! Қирққа кириб, қирчиллама ёшида китобга мук тушиб ўтирса-я?! Мақсади нима ўзи?

Ер юзидеги турфа воқеаларни кўравериб толиққан кўёш бошини хобхобига қўйди. Шу пайт у ҳам бир сумка китоб билан кўп қаватли уйлар-

га гап ўқиради: — Шу ҳам ҳаётми? Китоб қўлтиқлаб ишга шошади, китоб қўлтиқлаб уйга шошади. Яшашнинг завқини билмайди!

— Тўғри-тўғри...

У кечки овқатдан сўнг фарзандлари билан ярим соат-ярим соатдан дарс тайёрлайди. Болалар ухлагач, китобнинг хатчўп солинган бетини очиб, мутуолача келган жойидан давом эттиради...

Унга нима зарил китоб ўқибди? Аби-туриент ёки студент эмаски, имтиҳонларга тайёрланса. Уқитувчи ҳам эмас, дарсларга хозирлик кўрмайди. Умуман, касб-кори китоб билан боғлиқ эмас. Шундай экан, ишдан чарчаб қайтган, қишлоқдошлари билан муздек ариққа оёқни тикиб шалолатиб, муздек пиводан симириб, ўтган-кетган одамларни ғийбат қилиб ўтирса, тунги ўн бир-ўн иккиларда уйга келса, яхши эмасми? Чарқоқлар ёзиларди! Ёки кўшнларини билан карта ўйнаб, у ёқдан-бу ёққа олиб, ўтган-кетган жувонларга кўз ташлаб ўтириб, вақтни ўтказса? Ёки... хуллас, йўли кўпда-ей! Қирққа кириб, қирчиллама ёшида китобга мук тушиб ўтирса-я?! Мақсади нима ўзи?

Ер юзидеги турфа воқеаларни кўравериб толиққан кўёш бошини хобхобига қўйди. Шу пайт у ҳам бир сумка китоб билан кўп қаватли уйлар-

га гап ўқиради: — Шу ҳам ҳаётми? Китоб қўлтиқлаб ишга шошади, китоб қўлтиқлаб уйга шошади. Яшашнинг завқини билмайди!

— Тўғри-тўғри...

У кечки овқатдан сўнг фарзандлари билан ярим соат-ярим соатдан дарс тайёрлайди. Болалар ухлагач, китобнинг хатчўп солинган бетини очиб, мутуолача келган жойидан давом эттиради...

Унга нима зарил китоб ўқибди? Аби-туриент ёки студент эмаски, имтиҳонларга тайёрланса. Уқитувчи ҳам эмас, дарсларга хозирлик кўрмайди. Умуман, касб-кори китоб билан боғлиқ эмас. Шундай экан, ишдан чарчаб қайтган, қишлоқдошлари билан муздек ариққа оёқни тикиб шалолатиб, муздек пиводан симириб, ўтган-кетган одамларни ғийбат қилиб ўтирса, тунги ўн бир-ўн иккиларда уйга келса, яхши эмасми? Чарқоқлар ёзиларди! Ёки кўшнларини билан карта ўйнаб, у ёқдан-бу ёққа олиб, ўтган-кетган жувонларга кўз ташлаб ўтириб, вақтни ўтказса? Ёки... хуллас, йўли кўпда-ей! Қирққа кириб, қирчиллама ёшида китобга мук тушиб ўтирса-я?! Мақсади нима ўзи?

Ер юзидеги турфа воқеаларни кўравериб толиққан кўёш бошини хобхобига қўйди. Шу пайт у ҳам бир сумка китоб билан кўп қаватли уйлар-

# Бадиа

ни оралаб ишдан қайти. Сув эмас, чиқинди тўла ариқлар «сохил»ида ўтирган, хали ёшу, бироқ қариликни бўйнига олиб, бу ёғи нима бўлса бўлди энди, дея таълим бўлган «барра қариялар» сергайрат чолни кўриб, хайрат ёқаларини ушлайдди. — Шунга нима экан-а? Қарилик гаптини билмайди. Қачон қарама, тир-пир-типир. — Китоб жинниси эканлиги аниқ. Шунча ишлаб топганига бир урам қороз олиб, пулларини ҳавога соуради. — Энг алам қиладигани бир оёғи гурда, эрта-индин пақ этиб кетиб қолса, шунча йўққан китобларини болалари шартта мошинга ортади-да, макулатурага топширади-келади. — Бу одам нима учун китоб ўқир экан-а, ўзи?! Шивир-шивир, минғир-минғир гапларни у ҳам эшитишди. Йўлда учраган ҳар ким билан беҳуда гап талашсанг, умринг қандай ўтганини билмай қолсан, деб ўйлаб, индамай кетаверди. Лекин бу гал майда гаплар ҳам негадир баданини найзадек тешиб ўтди. Тўғри-да, қариб чорак кам бир аср китоб ўқиди-я. Нима мақсадда? Нега? Нима учун? Жавоб топишга ҳам улгурмади, қўлига илинган китобини олиб, очилган бетига кўз югуртирди. Одат шун, бирор нарсадан юраги сиқилса, тўғри келган китобини тўғри келган жойидан ўқиб кетавер

Бошланиши биринчи саҳифада.

Хусусан, ёшларнинг шахсий хислатлари, сажияси, ахлоқ-одо- би, тахсил кўрган-кўрмаганлиги устозни кўп қизиқтирган. Камтар- лик, мулоимлик, хушавозе бўлиш, меҳнатсеварлик, бурро- лик, ҳозиржавобликни ижодкор- нинг фазилатлари, деб билган Навоий яқовлик, паришонлик, жунунсифат юриш, кеккайиш, ҳавойилик, шаробхўрликка бери- лиш сингари ёмон одатларни қаттиқ қоралайди. Бу каби салбий одатлар бир қанча ёш истеъ- додларни нобуд этганлигини «Мажолис ун-нафоис» асариди қатор мисоллар билан кўрсатиб беради: «Мавлоно Сайфий ... ҳушёрлиги ва босе одамиваш ва ҳаё ва одоблиги йигитдур. Аммо сархушлиқда ўзга моҳият бўлур, балки расвонома бўлур эди. Бу учурда тавбага тавфиқ бўлди. Умид улким, истиқо- матга ҳам мувофиқ бўлмай».

Шероздан Ҳиротга ўқишга келган Саид Қарога исмли кимсасиз етим болани Наво- ий ўз тарбиясига олиб, унга алоҳида мураббийлар тайин- лайди, «шафқат ва машаққат- лар» кўргизади. Афсуски, кўп ўтмай, болада ноҳя қилиқ- лар зоҳир бўлади. Шоир уни ту- затиш чораларини кўради. Аммо фойда бермайди. Оқибатда бу йигит Ҳиротда туролмай, Самар- қандга қайтади ва у ердаги ҳам- рий — майхўрларга қўшилиб, бутунлай нобуд бўлади. Самарқанд- лик ёш шоир Саид Кутб Лақадан эса бадахлоқлиги туфайли ҳиб- сга олиниб қатлга ҳукм этилади. Алишер Навоий орага тушиб қат- лани бекор қилишга эришади. Лекин «ул нокасина» бундан ҳу- лоса чиқармай, ўз юртига қочиб, ёмон ишларини давом эттиради. Бундай ҳоллар Навоийни беҳад ранжитган. Узини идора қилол- маган, яхшилиқни, хурматни бил- маган кишилардан, гарчи улар- да истеъдод нишонаси бўлса-да, чинакам ижодкор чикмаслигини айтиб, уларнинг тақдирига ачи- нади.

Навоий танқидига учраган салбий хислатлардан яна бири — дангасалик, истеъдодни истиф- ода қила билмасликдир: «Мавло- но Нодирий яхши таъби бор, аммо кўп лаванддур. Муддае фақир била мусоҳибат эрди, ўзин лавандлигин забт қила ол- мади, яна ўз ишини кейинга юборди». Шоир Қобулийнинг «диомиди паришонлиги ва таври- да лавандлик» бўлганлиги учун тахсилни охирига етказмаган ва муддосига эриша олмаган. Хо- размлик Жоний деган шоирнинг эса «Хейле жунун зотида борким, салоҳият касбияга моневдур, йўқ эрса гаробатлиг таъбинаси бор». Мавлоно Кавсарий «таъ- бида назм айтур қобилияти бор, аммо машгуллуқ қилмас».

Бундай ёшларнинг бир қисми Навоий ва Жомийнинг тибхелла- рини қулоққа олиб, «туз йўлга» кирганлар, улуг шоир бу ҳолни хурсандчилик билан қайд этиб, улар истиқболига умид билдирган.

Навоийнинг фикрича, ижодга дил боғлаган одамда, албатта, табиий истеъдод — таъб бўли- ши лозим. Қуруқ ҳавас билан шо- ирлик даъво қилиш ярамайди. Энг ёмони шуки, деб куйнади шоир, қуруқ назмини шеър атаб, «юз машаққат билан бир байт боғлаётган, давросини эса етти фалакдан оширатган» нар ҳам бор. Баъзан улардан бирор яхши байт ҳам воқе бўлар, ле- кин бу ҳали шоирлик давросини қилишга ҳуқуқ бермайди. Ахир, шоир сўзида ҳақиқат ва маъри- фатдан баҳра берадиган маъно, шавку завқ ва «шуъла-афкан ҳарорат» бўлмоғи лозим. Шоиро- на таркиблар дардли, ёниқ юрак- ларда пардо бўлади.

Ҳақиқий истеъдод нишонаси мавжуд одамда илм олишга иштиёқ ҳам, ҳофиза ҳам қучли бўлади. Навоий бунни Румий, Саъ- дий, Ҳофиз, Жомий каби ёрқин

сиймолар мисолида кўрсатади. Барча илмлардан хабардор бу доғишманд зотларнинг эл ора- сида ҳақим-файласуф, шайх — йўл бошловчи каби табаррук ун- вонлар билан упуғланишларига боис шудир. Шоир етук файла- суф, хирадманд одам бўлганда- гина унинг сўзи халқ эътибори- ни қозонади. Бироқ бу мартаба- га осонликча эришилмайди. Бун- га катта заҳмат ва чидам, кунт, таълим ва тахсил орқали муяс- сар бўлинади. Шунинг учун На- воий ҳофиза — хотира, зехн, фантазиянинг аҳамиятини алоҳи- да таъкидлаб, тақоррий мутлола, машқ, шеър ёдлашни тавсия эта- ди. Машқ қилиш, қайта-қайта ишлаш истеъдодни ўстиришга кўмаклашади: «Мавлоно Мирақ- кий, ... кичик ёшлиқ хомтаъброқ йигитдур. Имкони бордурким, таъбияга кўп иш бюрса пухталиқ

Ёшлардаги гурур, ғайрат ва шижоатни маъқуллаш лозим, бу — яхши сифат, бироқ уни хоксор- лик, камтарлик билан омухта- тмақ даркор, деб билади Наво- ий. Бу борада Абдураҳмон Жо- мийни ибрат қилиб кўрсатади. Шунинг учун бўлса керак, сийстон- лик Қозизоданинг шеърятдаги қобилиятини эътироф этса ҳам, ортиқча манманлигини ёқтир- майди. Уни Жомий ҳузурига юбо- риб, уялтиради. Дўстларнинг тўғри, бегараз танқидини қабул қилиш кишига камол келтирса, жиззакилик, танқидни тан олмас- лик ижодкорга қарашмайди (Буни Навоий самарқандлик шоир Риё- зий мисолида кўрсатган). «Мажол- ис ун-нафоис»да панд-насихат- ни қулоғига олмай, на истеъдо- дини, на илмини ишга соладиған «равносифат ва худоройлик би- лан авқотини (вақтини — Н.К.)

лозим, дея огоҳлантиради улуг шоир.

«Мажолис ун-нафоис»да зикр этилган ёш шоирларнинг кўпла- ри билан Навоий шахсан таниш бўлган, суҳбат қилиб, синаб кўрган, хулқини кузатган. Лекин шоир ўзи танимаган — «эмди пайдо бўлгон» ёшларнинг шеър- лари ҳақида ҳам фикр юритиб, ҳолисона баҳорайди ва улар ижо- дига ривож — оқ йўл тилайди. Бу жиҳатдан ҳам улуг устознинг тут- тўғри, бегараз танқидини қабул қилиш кишига камол келтирса, ортиқча манманлигини ёқтир- майди. Уни Жомий ҳузурига юбо- риб, уялтиради. Дўстларнинг тўғри, бегараз танқидини қабул қилиш кишига камол келтирса, жиззакилик, танқидни тан олмас- лик ижодкорга қарашмайди (Буни Навоий самарқандлик шоир Риё- зий мисолида кўрсатган). «Мажол- ис ун-нафоис»да панд-насихат- ни қулоғига олмай, на истеъдо- дини, на илмини ишга соладиған «равносифат ва худоройлик би- лан авқотини (вақтини — Н.К.)

Алишер Навоийнинг яна бир одати ғоят ибратлидир. У янги пайдо бўлган истеъдодли ёшлар- ни ҳузурига чақириб суҳбатлаш- ган, синовдан ўтказган. Бунга ис- теъдодли адиб Зайнид- дин Восифийнинг «Бодо- еъул вақоеъ» асариди келтирилган воқеа ғоят ибратлидир. Адиб ўзин- нинг бошидан ўтган сар- гузаштни ҳикоя қилган. Восифий ёшлиғидан му- рақаб маъноли асарлар- ни севиб ўқир экан, ай- никса, киши исмлари яширинган «муаммо»

жанрига қизиқиб, кўплаб муам- моларни ечган, бир неча ус- тозлардан таълим олган. Унинг қариндoshi Соҳиб Доро Амир Алишер Навоийнинг мулозими бўлган. Соҳиб Доронинг қайд қилишича, «Амир Алишер хар қун фақирни чақириб, бугун бу шаҳарда (яъни Ҳиротда) бўлиб ўтган аҳойиб ва гаройиб нима кўрдиган ёки эшитдиган, сўзлаб бер», деб сўрай экан. Соҳиб Доро илму адаб дунёсиди ети- шиб келаётган ва номи чиққан истеъдодлар, янги битилган ки- тоблар ҳақида гапириб берган. Навбатдаги учрашувларидан бирида Восифий маҳорати ҳақида гапирганда, Навоий эр- тагаёқ уни ҳузуримга келтири, деб таъкидлайди. Соҳиб Доро Восифий билан бирга яна уч ёш шоирни олиб боради. Восифий ўзининг ҳаяжонлари, ҳазрат Навоий сиймосини кўришга муяссар бўлганини тўққиланиб ёзган. Навоий ёш йигитнинг били- ми, қобилиятини янги айтилган бир муаммо орқали синамоқчи бўлади. Восифий бу муаммони аллақачон ёдлаб олганини, маъносини били- шини айтганда, Навоий таҳсин айтиб, йигитга оқ йўл тилайди.

Ушбу воқеа ҳазрат Навоий- нинг қизиқувчанлиги, Ҳирот ада- бий ҳаётининг гуллашини бево- сита назорат қилиб тургани, ёшларга хар жиҳатдан кўмакла- шишга ўзининг бурчи, деб қара- ганини кўрсатади.

Бежиз эмаски, Алишер Навоий ҳоқ бошловчи, ҳоқ тажрибали шоир ҳақида гапирмасин, энг ав- вало, улар асарининг тили, бади- ий санъатларини ишлатишдаги но- ваторлиги, фикрининг ифодаи ул- ли ҳақида образлар билан қанча- лик йўғун, мутаносиб эканлиги эътибор беради. Шеърнинг маъ- носиди деганда улуг шоир янги ифо- далар орқали завқ бағирлайдиган таъсирчанлигини назарда тутайди. Шоирнинг ҳаёлотли, қучли ибора- лари латиф бўлса — шеър шеър «кўнгулга маҳбуб»дир. Шеърчи тили алоҳида қонунга эга, у лозим мақомда турши» лозим. Равонлик ва лаюфат, сероҳанглик ва сермаънолик, хуллас, бадиий мукамаллик ҳамма учун бирдай талаб мезонидир. Бутун-бутун дostonларда битта қофия ё бир ўхшатиш ноўрин бўлса, танқид қилиниб, тузатилиши талаб этил- ган. Бу шакирболик эмас, балки сўз санъати учун, бадиият учун ку- раш, гўзалиқни ҳимоя қилиш эди.

Алишер Навоийнинг маданият ва маънавият, адабиёт таракқиёти учун қилган ишлари, ёш истеъдо- дар тарбиясига ғамхўрлиги ҳозир ҳам аҳамиятли ва ибратлидир.

Наҳмиддин КОМИЛОВ, профессор

ТАРИХИЙ ДАВР МАНЗАРАСИ

Истиқдол йилларида фақат илм аҳлида эмас, балки ижодкорларда ҳам тарихга ҳолис кўз билан қараш шаклланди. Устозлар олдидаги андиша кейинги ав- лодни масъулиятни ҳис қилишга ўргатди. Мана шу- нинг натижасида тарихга ҳолис муносабат пайдо бўлди. Тарихга жон бағишлаган Ойбек, О.Ёқубов, П.Қодиров сингари забардаст ёзувчиларнинг анъа- насини Муҳаммад Али давом эттириб, тарихий мав- зуада «Улуғ салтанат» романини яратди. Романинг дастлабки икки китоби ўз даврида баҳосини олди — Ўзбекистон давлат муҳофизотида сазовор бўлди.

«Улуғ салтанат»нинг учинчи китоби Мироншоҳ Мирзо ҳақида. У Амир Темурининг учинчи ўғли. На- воий «Мажолис ун-нафоис»нинг еттинчи мажли- сиида Темури Қўрагон ҳақида тўхталиб, «Табризда Ми- роншоҳ Мирзо чоғирга кўп иштиғол (шуғулланиш — Н.Р.) кўргузди. Димоғи ва мижози эътидол (муътадил — Н.Р.) тариқидин инҳироф (четланиш, қиқиш — Н.Р.) топиб, андин номулоийм амр кўп сураат тута бошлади», деб ёзди.

Мироншоҳ Мирзо романда фаол образ эмас. На- воий таъриф берган тарихий шахсининг айнан ўзи, фақат жангу жаддаларда, акиси Умаршайх билан бе- одобларча баҳса, хотини Хонзода хоним билан ҳаёсизларча қилган тортишувларда намоён бўлади. Шунингдек, Мироншоҳ Мирзо отасининг тамоми- ла акси — ғоратгарлиги билан эл орасиди нафратта лойиқ, Мироншоҳ Мирзонинг бу тахлитда яратил- ган образи романинг унвун ёки кўсури ҳам эмас. Ёзувчи тарихий шахс Мироншоҳ Мирзонинг бади- ий образини китобхонга ҳолис етказди. Навоий ай- тан «номулоийм амр» романинг бу шаҳзодага оид лавҳаларида Амир Темури Қўрагон фазил- атларига тамомила зид бебош шаҳзода образи чизилганки, унинг хар бир сўзи, хар бир ҳаракатиди китобхон темурий- зодалар ўртасиди тахт талашувлар, Со- ҳибқирон ҳаётлигидаёқ Мироншоҳ Ми- ронзодан бошланган экан, деган хулосага келади. Соҳибқирон Ҳиндистон ҳақида юрган пайта Мироншоҳнинг тахт даво қилиб, отасига юборган мактуби унинг асл башарасини очиб беради. Унда пада- рига беҳурматликдан орлинчи ҳисси йўқ. Эҳтимол, Навоийнинг Мироншоҳга бер- ган таърифидан бебаҳар одам унинг ҳа- ти-ҳаракатини ишжот, деб ҳам ўйлаши мумкин- дир. Мироншоҳнинг падарига нисбатан бу қилми- шини оқпаларлик, деб айта оламиз. Ахий Жаббор- нинг хаёлидан шу гап кечади: «Бу албатта, ношук- рчилик белгиси... Отдан йиқилиши бежиз эмас, ше- килли, ўшанинг оламиди...». Мана, Мироншоҳга бе- рилган ҳолис баҳо.

Муҳаммад Али мазкур тарихий романида ўз олдиға китобхон тарихий воқеаларни билиб ол- син, деган мақсадни қўймаган, балки Соҳибқирон- нинг қобилиятини, набираси валиаҳд Муҳам- мад Султоннинг бобога руҳан ва ҳисман муно- сиб эканлигини далиллаган, Ахий Жаббор, Жаҳон- шох ибн Жоку, уста Хоразмий, шоҳ Мансур, Умаршайх Мирзо ва бошқа қатор қаҳрамонлар характерини яратиб, асар том маънода инсон- шунослик эканлини далилламақчи бўлган ва бун- га эришган ҳам. Соҳибқиронга бевосита ва бил- востита боғлиқ Маҳди улё Сароймулкхоним, Хон- зода бегим, Олпоғотий, Соғинч бика каби ду- нёқарашли бут аёлларнинг айрим қирраларини уларнинг нутқидан, одоби ҳаёсидан, айни пайт- да, жасоратидан излайди. Роман бошида китоб- хон қаҳрамонларнинг бирини иккинчисидан аж- рат олмайётгандай туюлади. Давомида эса, хар бир қаҳрамоннинг феъл-атвори, тақорланмас қир- ралари, ички олами очилди боради, хар бир қаҳ- рамоннинг қиёфаси китобхон кўз ўнгиди гавдала- нади. Сароймулкхоним Амир Темурига нисбатан чексиз хурматини, садоқатини: «Ҳазратим... ёлғуз бошлари тошдан бўлсун, ҳазратим!», деб ифода этади. Амир Темурининг ҳаётлиги садоқатли йўлдо- ши самийий хурматини ифода этиши учун бун- дан ортқ сўз керак эмас. Агар Сароймулкхоним кўп сўзи бўлганда эди, «ёлғуз бош» эгасининг бошқа ҳукмдорлардан фарқи қолмас эди. Сарой- мулкхонимнинг ҳам ўзигагина хос бўлган ички олами очилмасди. Ёки лозим пайта мардик кўрса- та оладиган ва Соҳибқироннинг хурматига сазовор бўлган, аммо кўрқоқ Алтунрий баҳодир, жавон- мардикли ботинан ва зоҳиран ўзида намоён эта- диган Ахий Жаббор, ўзига бино қўйган такаббур шоҳ Мансур образларининг ўзига ҳослигини ҳам Муҳаммад Али тўлақонли гавдалантиришига эришган.

Фитна тудайли не-не мамлакатлар горақ қилин- ган, қанча инсонларнинг қисмати фожиа билан ту- таган. Муҳаммад Али Соҳибқирон образига чизги- лар қилар экан, унинг табиғатиға хос бир хусусия- тини эслатади: бу — фитнага тоқат қилолмаслик. Романда мардик ва жасорат, саховат ва бағрикен- глик рамзи бўлган Амир Темури, ҳали тахтта ўтир- маган пайта, фитначи Амир Хусайннинг қилмиш- ларини билади. Хусайн ясурийлар лашкарини фит-

нага чорлайди. Шундай бўлса-да, Соҳибқирон на Амир Хусайнни, на ясурий қабиласини жазолай- ди. Аниқроғи, Соҳибқирон бағрикенглик ва мурув- ваттешалик билан фитначи кечиради. Унинг шио- рини ёзувчи қуйидагиға ифода этади: «Биз ўз сал- танатимизни раиятга, одамларга эътибор бериш ва ҳимояга олиш асосиди барло этажамиз. Шу са- бабли ҳамма жойда одамларни юпантириб, хотир- жам айлаш йўлидан борғайим!». Раиятни ҳимояга олишни, уларни хотиржам қилишни Соҳибқирон бурчи деб билади. Романдан шуларни уқиб олар эканмиз, Муҳаммад Али ортиқча эҳтирослардан

Китобингизни ўқидим

қочиб, воқеаларни ўз оқими бўйича бадиий зару- ратга айлантириганиға гувоҳ бўламиз.

«Улуғ салтанат» асари яна шуниси билан диқ- қатга сазоворки, муаллиф эътиборини ў ёки бу ҳоли- са, ў ёки бу қаҳрамон бир томонга тортиб кетмайди. Ёзувчи Соҳибқирон атрофидаги ҳамма воқеаларни, Соҳибқиронга алоқадор ҳамма қаҳрамонларни, уларнинг маийий ҳаётини, давр манзарасини кўз олдимизда гавдалантириб бера олган. Шунинг учун ҳам романдаги кичик лавҳа қатга маъно ташийди. Муҳаммад Али Соҳибқирондаги юксак ички маляниятни кўрсатиш учун унинг қўлигуд уста Матноно билан Оқсароини куриш ҳақида суҳбатини беради. Амир Темури Матнонога: «Уста Хоразмий жанола- ри!», дея мурожаат этаг экан, шу иборанинг ўзи билан муаллиф жонли саҳна яратган. Ёки Амир Темурининг дўстларга садоқатини Амир Сайфиддин Некўз тисмоли орқали кўрсатар экан, Соҳибқиронга хос табиий- лик намоён бўлади.

Тарихий роман тарих фанини тақорла- майди, балки унда тарихий шахслар, давр бадиий идрок этилади. Муҳаммад Али бадиий тил воситаларидан фойдаланиб, бу вазифани амалга оширган. Халқона ибора- лар, ўхшатишлар (қўнгли сув ичган широй- лиқлар, қўнгли қўнғандай яйраб-йишади ва ҳоказо) роман тилиға жозиб баҳш этиш билан бирга, қаҳрамонларнинг қиёфа- лари эсда қолтишга омил бўлган.

Хар қандай тарихий романдан ҳам китобхон кес- кин вазиятлар тасвирини, маълум сентименталлиқни кутайди. Муҳаммад Али ана шундай ҳолатларни яра- тишда халқ дostonларига хос баён усулини таллаган. Муҳаммад Султон билан Соғинч бика ўртасидиға ро- мантик туйғулар тасвири бунинг бир далилидир. Со- гинч бика сирини онасига очали ва бу табиий. Воқеа- лар давомида Соғинч бика Муҳаммад Султонни ан- чадан буюн кўрмагани боиси юраги дардга тўла ҳолатга кўрсатилади. Ниҳоят Соғинч бика охириг чораға қарор қилади — «шаҳзодаги кўриш мумкинлиди, дарҳол Бо- қучаға отилди» (118-бет). Шу ўринда китобхон: йўғ-э, қиз бола бундай қилиши мумкин эмас, дея таажубу- ланади. Бунинг устиға, шаҳзодаги кўришдан бенамаси «қизинг ҳаяжони кўнгиб, қандайлиг ўқинч ҳисси товилмасди» (118-бет). Яна ажабланимиз: «Йўғ-э, қиз бола ўзини шунчалик ҳам ерга уралдими?!». Аммо романин ўқишда давом этмас, Муҳаммад Алининг тар- жимонлиқда ортирган тажрибаси, билими, олим сифатидаги иқтидорини ана шу лавҳаларда ўзини кўрсат- ганлиға, бу ўйлаб топишган усул эканлиға ишонамиз. Му- ҳаммад Али халқ оғзига ижоди, хусусан, ўзбек эртак ва дostonларининг баён усулини романиға олиб кир- ган. Жумладан, қадимий Шарқ қиссаларининг «Зари- адр ва Олатида» ёдимизға тўшади; Соғинч биканинг ҳаракатлари Олатиданинг севги бобидиға жасоратини эслатади. Зариадр билан Олатида ҳали бир-бирини кўрмасдан, тушида бир-бириға ошққ бўлиб қолган. Севишганлар бир-бирларига етишишлари учун Зари- адр қанчалик жасорат кўрсатса, Олатида ҳам шунча- лик филолиларча ҳаракат қилади. Соғинч бика Му- ҳаммад Султонға бўлган муҳаббати туфайли жангли йигит кийимиди унинг «жамолидан насибадор бўлиш умидида» Табризга йўл олади. Муҳаммад Султонға ўзини танитмай, уни душиман ўқилан сақлаб қолади. Хар иккаласи, худди эртак қаҳрамонлари ва «Зари- адр ва Олатида» қиссалариди сингари, «мурод-мақ- салларига етишадилар». Танланган бу ҳалқона усул Му- ҳаммад Султон ва Соғинч бика образларининг эсда қоларли ва табиий қиқишига омил бўлган.

«Улуғ салтанат»нинг учинчи китоби бадиий жиҳатдан яхлит асар, деб баҳолашниға лойиқ. Ай- рини бошларда тарихий воқеалар баёнига кўпроқ ургу берилгани китобхон учун эрикарли туюли- ши мумкин. Романда муаллиф Амир Темури ва те- мурий шаҳзодалар атрофидаги воқеалар тасвири билан чегараланмаган, балки салтанатнинг қуд- ратли манзарасини бор бўйича кўрсатишни қўзла- ган ва асарда шу мақсад амалга ошган.

Насимхон РАҲМОНОВ, филология фанлари доктори

Журналларни варақлаганда



«ЁШЛИК»

2010 йил, 12-сон

Журналнинг ушбу сониди Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Бир улуг мартаба тилайман сизга...» деб номланган янги туркум шеърлари билан очилади. Шунингдек, назм ихлосмандлари таниқли шоирлар Жамол Сирожи- дин Хумийнинг Ражабларидан, Баҳодир Мустафо Ёқуб ва Дилшод Ражабнинг шеърларидан баҳра- манд бўладилар.

Навқирон носирларимиздан Фафур Шермухаммад- нинг «Баракасиди берсин...» номли замонавий мав- зудаги қиссаси, Фулом Каримийнинг тарихий «Қўрагон» ҳикояси билан тани- шасиз. «Жаҳон ҳокимлиги» рункида италиялик машҳур адиб Алберто Мора- вионинг «Чақолоқ» ҳикояси (русчадан Дамин Жумақул таржимаси) берилган.

«Адабиёт... ўзим яхши кўрган, ҳаётимни бағишламоқда аҳд қилган соҳа. Тақдир бошқа бир йўлга солиб юборганида ҳам мен барибир усиз яша- ёлмас эдим, чоғи», деб ёзди таниқли адиб Эркин Аъзам. Ушбу сонда сиз ёзувчининг адабиёт, ижод ҳақидаги ўй-қарашларини, Абдуқўям Йўлдошнинг Э.Аъзамни кутлаб ёзган мақоласини ўқийсиз.

Шунингдек, журналнинг ушбу сониди Ю.Шаматовнинг «Мўҳим бади- ий восита», Қ.Йўлдош ва Ш.Эргашеванинг «Азалий муаммонинг янгиға тақдиқи», М.Пўлатованинг «Қиёфани ўқиш санъати» мақолалари эълон қилинган.

«ҲИЖРОН АЗОБИ»

(«Вирах ки ведна»)



Ўтган йилнинг декабр ойида «Дўрмон» ижод уйда республика ёш таржимонлари анжумани бўлиб ўтди. Унда бўлажақ таржимонлар олди- га долзарб вазифа- лар қўйилди, ўзбек адабиётини жаҳон- га танитиш бораси- да ғоят жозибадор сўзлар айтилди.

Айни вақтда, бунди амалга оширишининг ўзи бўлмаслигини ҳам анжуман иштирокчилари ич-ичинда ҳис этиб турдилар. Китобдан-китобға ўз муҳлислари сони- ни қўлайтириб бораётган истеъдодли шои- ра Ўктамоғи ва эзгу-мақсад йўлида дадил оқимламоқда. Яқинда шоиранинг шеърлар тўплами Ҳиндистонда ҳиндий тилида чоп этилди. Тўплам ҳиндий тилида «Вирах ки ведна» («Ҳижрон азоби»), деб номланади. Унга 76 та шеър жамланган бўлиб, уларни

Хиндистонлик таржи- монлар Ҳариш Тҳакур ва Сангита Синҳ ҳин- дий тилиға моҳирлик билан таржима қилишган. Китоб Лудҳяна университетининг профессори, хинд ада- биётшунос олими Н.С.Тасмининг «Ўзбек шоирасининг ҳиссиёт қиллолари» сарлавҳа- ли сўзбошиси билан очилади. Жумладан, сўзбошида у шундай ёзади: «Ўктамоғининг шеърятти тимсолларға жуда боғ. Ўзбек ти- лидан инглиз тили орқали Хиндистоннинг Панжобигача етиб келган шоира шеърятти экзотик муаттарликка эга. У ўз шеър- ларида ҳаммаға маълум бўлган нарсаларнинг номаълум қирраларини очиб беради.»

Китобнинг нашр этилишини адабиёт- мизға бўлган ҳинд халқининг қизиқиши ифо- даси, деб тушуниш мумкин. Китоб Панжоб- нинг Чандигар шаҳридаги «Қафла Интеркон- тинентал» босмаханасида чоп этилган.

Тўпламдаги шеърлар аслиятта яқинлаш- тириб таржима қилинган, улардаги оҳанг, маъзум сақлаб қолинган, жозиба, ўхшатиш ва тисмоллар ўз рангини йўқотмаган. Шу боис, ҳинд ижодкорлари томонидан эъти- роф этилгани қувонарли, албатта.

Амир ФАЙЗУЛЛА

«ҚАРДОШ ҚАЛАМЛАР»

Туркияда нашр этиладиган «Қардош қаламлар» журнали кўп йиллардан буюн ўз ўқувчиларини тур- кий тилларда ижод қилаётган адиб ва шоирлар асар- лари билан таништириб келмоқда. Бу журналда ду- нёнинг турли мамлакатларида яшаётган ижодкор- ларнинг шеър ва ҳикоялари, публицистик асарлари эълон қилиб борилади. Сўнгги йилларда журнал са- хиёфаларида ўзбек адибларининг ижодиға ҳам кенг ўрин берилмоқда.

Жумладан, журналнинг янги сониди таниқли адиб Шодмон Отабекнинг «Чирок» ҳикояси Эсра Явуз таржимасида эълон қилинди. Журнал бош муҳаррири Али Оқбош ўқувчиларға мурожаа- тда мазкур ҳикоя ҳақида ҳам тўхталиб, шундай ёзади: «Бу сонда замонавий ўзбек адабиётидан Шодмон Отабекнинг «Чирок» ҳикояси эълон қилинмоқда. Ёзувчи бу асариди ўзи кўп йиллар олдин битир- ган қаддрон мактабини кўргани келган йигит тилидан унинг ҳаяжон- ли хотираларини эҳтирос билан тасвирларкан, беихтиёр мактабда ўқиган даврини, бегубор ўсимлик йилларини кўз ўнгиниғада гав- даланади.»

Шунингдек, журналнинг ушбу сониди Туркия, Озарбайжон, Қозо-ғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Эрон, Босния ва Герцеговина мамлакатлари адиблари ижодидан ҳам намуналар чоп этилган.

Сарвар МУҲАММАДИЁВ

Бугунги кунни телевидениесиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, зангори экран учун яратилган фильмлар оммалашиб кетди. Улар жанрига кўра комедия ва саргузашт, бадий ва ҳужжатли, қисқа метражли ва кўп ойлار давом этадиган кўп серияли фильмлардир. Дастлаб Ўзбекистон телевидениесининг бош тахрири яти базасида "Телефилмлар ишлаб чиқариш" бўлими ташкил этилиб, у 1969 йилдан "Ўзбектеелефилм" студиясига айлантирилган.

Жамоа янги санъатнинг асосий усуллари эгаллабгина қолмасдан, томошабинлар учун аҳамиятли асарлар ҳам яратиб берилади. Катта авлод вакиллари "Қўғирчоқбоз", "Шашмақом", "Қуз оханлари", "Азиз", "Бойче-чак", "Лафз" телефилмларини яхши эслади. Мана шу муҳитда М. Бобохонов, Х.Иброҳимов, Т.Акрамов, А.Қосимов, Ш.Жунайдуллаев, С.Аҳмадхўжаев, Ш.Бизаатов сингари телевизион публицистика ва бадий кино усталари етишиб чиқди.

Кейинги йилларда телекино янада ривожланди, нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам сезиларли ўсди. Студия жамоаси санъатнинг янги муҳим соҳаси бўлган кўп серияли телефилмлар ишлаб чиқаришни муваффақиятли ўзлаштирди. Уларнинг ўз образли воситалари ва ўзига хос тили вужудга келди. "Бог", "Имон", "Қайтар дунё", "Туташ тақдирлар", "Қалдирғочлар яна қайтади", "Умидингни сўндирма" каби кўп серияли картиналар ўзбек телефилмлари янги бадий даражаси эришганидан дарак беради.

1990 йиллардан 2000 йилгача бўлган даврда жамоа турли жанрлар, услублар ва инфодавийтасвирий йўналишларда асарлар яратди. Улар муаллифларнинг у ёки бу йўналишларга ихтисослашганига ва ўзига хослигига намойён этди. Кўп ижодкорлар ҳужжатли асарлар ва ҳозирги кунда оммалашиб кетган бадий ва кўп серияли ленталар ишлашга ихтисослашди.

Хукуматимизнинг бу соҳага эътибори ўзбек бадий киноте-лефилми имкониятларини янада кенгайтиришда етакчи омил бўлмоқда. Хусусан Президентимизнинг "Мустанқил телерадио узатиш каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фар-

мони соҳани ривожлантиришда муҳим ҳужжат бўлиб қолди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Миллий телеради-

## "Ўзбектеелефилм": КЕЧА ВА БУГУН



компанияси фаолиятини такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса ижодкорларнинг янада руҳлантирди. 2006 йили Миллий телерадиокомпаниянинг "Миллий сериял" ижодий-ишлаб чиқариш дастури қабул қилинди. Бадий филмлар ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш тадбирлари белги-ланди.

Шу тариқа ўзбек телевизион киноси раво йўлга чиқиб олди. Телевизион кинонинг аксарият асарлари маийш, оилавий, ахлоқий муаммоларни ўз ичига олган. Театр ва кинода бўлганидек, кўп серияли филмлар ривожини ҳам кўпроқ драматургия савиясига боғлаш. Муаллифдан кенг дунё-қараш, сюжет тузиш қонунлари-ни чуқур билиш, даврни яхши ту-

шуниш, асарга замонавий руҳ бахш этиш талаб қилинади. Замонавий кўп серияли филм фақат телевидение санъатининг шаклий-таркибий кўриниши бўлибгина қолмай, жамият ва маийш турмушда инсоннинг ички дунёсини тадқиқ этиш билан боғлиқ изланишлар махсус-лидир. Телеэкрандаги замона-вий қаҳрамон шунчаки оддий персонаж эмас, халқнинг мил-лий хусусияти, муомала мада-нияти ва менталитетини кўрсат-увчи қаҳрамон ҳамдир.

Ўзбек телевизион киносининг

қўшилиди ва Ўзбекистон теле-саноати ривожига ўз хиссасини қўшади.

Телесериаллар ишлаб чиқа-риш учун махсус тайёргарлик кўрган профессионал кадрлар-нинг етишмаслиги ҳам телеки-нонинг ривожланишига халақит бераётган муаммолардан бири. Бу муаммони ҳал қилиш учун Ўзбекистон давлат санъат институтининг "Телевидение ре-жиссёрлиги" кафедраси телеви-дией ва кино мутахассилари тайёрлаш билан шуғулланиётган устозлар кўмағида кино ва те-лесериаллар учун режиссёрлар етказиб бермоқда. Кафедра қошида малакали бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда.

Хозир мавжуд кафедрани "Қино ва телевидение режиссу-раси" деб номлаб, кино ва те-леиндустрия учун мутахассис-лар тайёрлаш даври келди, деб ўйлаймиз. Шунингдек, институт-да кинотеледраматургия ва ки-нотелетанқид, маркетинг ва ме-нежмент, продюсерлик, кино ишлаб чиқариш сингари янги бўлимлар очилишини ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Сўнгги йилларда санъат инсти-тути талабалари қўлга киритаёт-ган ютуқлар телекино мутахассис-лари тайёрлаш соҳасидаги ишлар тўғри йўналтирилаётганини кўрсатмоқда. Улар турли кино ва теле фестивалларда иштирок этиб, бу соҳаларда юртимиз ис-тиқболи ишончи қўлларда экани-ни исботламоқдалар. Жумладан 4-курс талабаси Мурод Йўлдошев "Қино ва телевидениеда спорт" бешинчи Тошкент халқор фестивалида "Ўзига хос режиссура учун" номинацияси ғолиби бўлди ва диплом билан мукофотланди. Ўз филми билан Миландаги (Ита-лия) фестивалга тақлиф этилди. 3-курс талабаси Дониёр Шоқорев эса "Жоизба" телекўрсатувини со-вриндорлар сафидан жой олди.

Яратилаётган шарт-шароитлар туфайли кинотелесаноатимиз истиқбол сари дадил қадам таш-ламоқда. Бинобарин, бу соҳалар-нинг нафақат миқдор кўрсатики-ни, айтиш мумкин, жиҳатидан ҳам томошабинлар талабига жавб беради, деб ўйлаймиз.

Баҳоидир АХМЕРҲ, кинорежисёр, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

## ЎЗ УСЛУБИНИНГ ҚўЛГАНИГА НЕ ЕТИН

Бошланиш биринчи саҳифада.

— Санъатдаги ҳаётим бошқа санъаткор оилалар фарзандлари-ниқидан фарқ қилмайди. Онам Раъ-но Ярашева актриса бўлгани учун болалигимдан саҳнага чиққанман, телесериалларда роль ўйнаганман. Лекин мени актрёлик эмас, кўпроқ қўшиқ айтиш ўзига тортарди. Шу-нинг учун ҳам етти йил мусиқа мак-табининг фортепиано синфига ўқиганман. Мактабни битирганим-дан сўнг консерватория қошида-ги академик лицейда таълим ол-дим. Аям ҳужжатларимни анъана-вий ижро бўлимига тақдим қил-ганман. Мақтабимизда бўлиб тур-ган "Агар макомни, миллий куй-қўш-ларимизни пухта ўрганмасан, й-яхши эстрада хонандаси бўло-сан", дедилар.

Бошида анъанавий ижро ўли-мида ўқишга қийналдим, лекин устозларим Замира Сулоқлари, Комила Буривеванинг ёқлари, астамнинг ёрдамлари билан аста-секин ўзим қўшиқ айтишга ўргана бошладим. Дастлаб "Йилга" ва "Э вох, санам" қўш-ларини ижро этганман. Мактабимизда рус тилида ўқиганим боис "Э баъзи сўзларни ту-шунмасдим, ҳар э баъзи сўзлар-нинг нотўғри таъриф қилардим. Кўп китоб ўқидим, газаллар ва шеърларни мағзини чақишга ҳаракат қилдим. Интилишим, ме-ханатларим эстрада бўлимида, та-рихни Дилором Дилором Омо-нуллага қўлида ўқияман. Ижод моҳирини босқичма-босқич ту-шун-ди, ҳис этиб келяман. Ҳар ўз-га талабанинг қолаверса, ма-ғсад сари интилиш ва катта-лигини маънавиятга қулоқ солиш шод моҳирини кенгрок тушу-нишда ёрдам беради.

— Бугунги ижодий жараёнга муносабатингиз?  
— Анча жиддий савол экан. Дабдурустан бир нарса дейиш

қийин. Чунки бу жараёнга энди кириб кетганман. Бугун э-страда қўшиқчилигида шоу-биз-несга кўпроқ эътибор берилган. Ҳар бир хиргойлар анча-инчидей хонишлар билан мунча. Тенгдошларим вақти келиб, толарини тушунадилар, инг тўғри йўлга тушиб санъаткорлар, деб ўйлайман. Ола ун эстрада санъатимизда қўшиқлар қўяётганини айтиш мумкин. Бу, албатта, ёш кичиларнинг изланишда экан-лари, танқидий фикр-мулоҳаза-лардан хулоса чиқараётганлари-дан далолат беради. Ўзим ҳам ҳар битта қўшигимни ўйлаб ёздира-ман. Илоҳи борича яхши шоир ва бастакор билан ишлашга ҳаракат қиламан. Устозлар бизга ижодда ҳам, ҳаётда ҳам ўрнак.

Устозларим, тенгдошларим ижодини эътибор билан қўзатиб бораман. Тан олиш керакики, бугунги жараёнда устозлар у қадар фаол бўлиб кўринмасалар-да, яратган қўшиқлари сўз ва оҳанг уйғунлиги, маъно мазмунига кўра баъзи сармаҳсул ёшлар қўшиқла-ридан анча баян.

— Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни нима билан белгиланади? Бу жараёнда ўзингиз ва тенгқўрларингизнинг иштироки қандай баҳолайсиз?  
— Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни унинг ўз ижодига муносаба-ти ва танлаган соҳаси тараққи-тига қўшаётган хиссаси билан белгиланади, деб ўйлайман.

Миллий эстрада ривожига хисса қўшиш анча машаққатли. Ҳозир хонанда ҳам, қўшиқ ҳам кўп. Улар орасида ўз услубини яратиш анча мушкул. Қўлаётган-нинг да мунис "Бу ашулани Ма-дина Мусаева айтди" дейиши учун бошқаларни тақрорламай-диган "ниманидир" топшига ҳаракат қиламан. Ўзимдан олдин

қўйлаганларни ҳам, ҳозир яхши қўшиқ айтаётганларни ҳам эши-тиб, ўрганиб бораман. Масалан, "Қўшчирор" қўшиғини айтаётган-нида, одоби нафақат фақат доира овози эшитилиб туради-да, кейин "Ох, ёрей..." деган овознинг ўзи кетади ва бир нафаслик су-қутдан сўнг қўшиқ бошланади. Бошқа қўшиқларимда ҳам шунга ўхшаш усуллари ўйлаб топшига ҳаракат қиламан.

Санъат кишиси одамларнинг кўз ўнгига бўлади. Фақат қўшиғи эмас, юриш-туриши, ташқи қиёфаси, одоби — ҳаммаси эл назарида. Демак, санъаткор ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган шахс бўлиши керак. Шундагина санъатнинг кенг майдонига ўз ўрнини топа олади.

Ҳозирги ижодий жараёнда тенгдошларим фаол қатнашаёт-ганидан хурсандим. Улардан, айниқса, Зиёданнинг ижодини ҳурмат қиламан. Ўзим ҳам ило-ҳи борича халқимизга манзур қўшиқлар яратишга интиланман. Албатта, ҳали камчиларим кўп, асосий ишлар олдинда турибди. Мумтоз ва халқ қўшиқла-рини жиддий ўрганишни мақсад қилиб қўйганман. Эстрада йўна-лишида Илҳом Ҳамро шеъри, Ак-мал Мирзо мусикаси билан "Совчи келди" қўшиғи устидаги изланишларимни тугатдим. Бун-дан ташқари, бир неча тиллар-ни ўрганишни ният қилганман. Ҳозирча турк ва инглиз тиллари-да сўзлаша оламан. Тасвирий санъатни яхши кўраман.

Одамлар орасида, эл ичида бўлиб бир нарсани англаб етдики, ҳақиқий санъаткор бўлган, деган одам ўз билимини, маънавиятини ҳам бойи-ти бориши керак экан. Мақсадим — ўзбек миллий қўшиқларини маро-мига етказиб ижро этиб, муҳлис-лар ишонига сазовор бўлиш.

Г. ФАЙЗИЕВА

## «КИЧИК ШАҲАРЧА»НИНГ КАТТА РАССОМИ

Театр саҳнасини кичик шаҳарчага қисқаш мумкин. Унда спектакллар орқали ҳаётнинг турли кўринишларини намойён бўлади. Ҳар бир спектаклнинг томошабинларини жалб этишда саҳналаштирувчи рассомнинг ўрни катта. Спектаклга мос саҳна безаги, қаҳрамонлар кўри-нишдан тортиб кийимингача қандай бўлиши устида рассом беш қўллади. Таниқли рассом Зубайдулла Ботиров фаолияти театр билан боғлиқ бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган. Санъат институтида ўқиб даврида Георгий Брим сабоқларини баҳраманд бўлган Зубай-дуллада беҳиштер театр рассомлигига қизиқиш уйғонди. Келажакда ундан яхши театр рассоми чиқинига кўзи этган устози институти тугатиш арафасида "Қаршига кетасанми ёки шу ерда илҳомнинг давом эттирасанми?" деб сўради. Шунда у дастгоҳли рангтавсир йўналишида ижод қилмоқчи эканлигини айтди. Устози эса Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида бош рассом сифатида иш бошлаганини тақлиф қилди. Зубайдулла 1994 йилдан мазкур театрда бош рассом сифатида иш бош-лади. Утган давр мобайнида қўлаб опера ва балет спек-таклларининг саҳна безагини қилди. Улар орасида Т.Со-диқовнинг "Лайли ва Мажнун", М.Ашрафийнинг "Ди-лором", Д.Россининг "Севилля сартароши", Д.Пуч-чинининг "Ботема", И.Ақбаровнинг "Сўғд элининг қоп-лони", М.Бафоевнинг "Севгим самоси", Доништининг "Севги шароби" опералари, А.Аланининг "Кор-сар", Л.Минкуснинг "Дон Кихот" балетлари бор.

2002 йили рассом "Дилором" операсига яратган декоративлар ва либослари учун "Йилнинг энг яхши театр рассоми" соврини билан тақдирланди. Шунинг-дек, Мустанқиллик ва Наврўз умумхалқ байрамларининг саҳналаштирувчи рассоми, Хива шаҳрининг 2500 йил-лиги байрам тапталари рассоми, 2004 йили Шанхай ҳамдўстлик ташкилотининг Тошкентдаги йилги ишга бағишланган гага концертнинг бош рассоми сифатида самарали меҳнат қилди. 2008 йили Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов либреттоси асосида яратилган "Севгим самоси" операсининг саҳналаштирув-чи рассоми сифатида Давлат мукофоти тавсия қилинди. Зубайдулла Ботиров ижод қилиб келётган театр саҳна-си Ўзбекистондаги барча театрлардан фарқ қилади. Саҳна нисбатан катта. Бу саҳнада ишлаш ҳам рассомдан ало-ҳида тайёргарликни талаб этади. Театрдаги фаолияти да-вомида рассомнинг саҳна безатиш соҳасидаги маҳорати ошди, у ўзи учун соҳанинг янги қирраларини очибта

## Рассом устахонасида

ва муваффақиятли қўлашга эришди. З.Ботиров нафақат театр рассоми сифатида, балки рангтавсирнинг турли йўналишларида ҳам баракали ижод қилди. У ҳар бир кўргазмасида томошабинларга қўйилмаган ҳайратомуз асарларни тақдим этади. Рассом асарлари томошабинлар тафаккурини чарқлайди, ҳаётга жиддий қарашга ундайди.

Яқинда Балий академиянинг марказий кўргазма-



лар залида рассомнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда реалистик йўналишдаги портрет, натюрморт, манзаралар билан бирга, авангард услубида ишланган асарлар ҳам намойиш этилди. Оқушларнинг полапон-ларига озиқ узатиши, гармлари, анорга сўқилган пичоқ, учмаган одам, катта саватлардаги олтин туҳум каби ғаройиб манзаралар томошабинларни сирли ола-мага етказди. Ҳуш остининг тубиз эоламага, Мисрининг мафтункор ҳаётига бағишланган асарлар ҳам кўпчи-лининг эътиборини жалб этди. Авангард услубида чи-зилган бундай асарларда рассомнинг ўзига хош бадий ҳақиқати сингиб кетган. Мазкур кўргазма З.Ботиров тас-вирий санъатнинг турли услубларида ҳам муваффақия-тли изланишлар олиб бораётганини намойён этди.

Тўлқин АХМЕДОВ, санъатшунос

## ИЖОД ЗАВҚИ

Театр спектакллари томошабинга маъна-вий озиқ бериб, унинг дунёқарашини, бадий савиясини ўстиришга хизмат қилиш билан бирга, санъаткорлар жамоаси касб маҳора-ти ошиб боришига ҳам ёрдам беради. Шу маънода Ўзбек давлат драма театрида саҳ-нага қўйилган "Номинг ўсин" спектакли жамоа ҳаётида эътиборли воқеа бўлди.

Актёрнинг ижодий жараён оғушида яшаш-дан туйган завқ-шавқи қаҳрамон кечинма-лари орқали томошабинга ҳам кўчади, яъни томошабин ҳам актёр тасвирига тушиб, ижодий жараённи ўзидан ўтказиб бошлади. Театр жамоаси-сининг Г.Горин асари бўйича яратилган (таржимон Э.Исмои-лов) мазкур спектакли томошабинлар қал-бида шундай ҳислар уйғотишига шубҳа йўқ.

Очиқ саҳна, ўртада кўтарилиш зинасида ўтирган одам томошабинларга "Эрамиздан аввалги тўртинчи асрда Эфис деган юнон шаҳрида Артемидда ибодатхонасига ўт қўйил-ди", дея маълумот беради; қамқоҳона, жи-ноятчи Герострат кўрилади. Кўз қўриб, қулоқ эшитмаган жиноят содир этган бу кимсани жазога тортишининг ўзи бўлмайди. Шаҳар-нинг қисо-қазолари ўз манфаатлари йўлида уни ҳимоя қила бошлайдилар. Шаҳар мали-каси шухрат қозониш ниятида жиноятчининг жазманига айланса, бир судхўр унинг жи-ракч хотираларини сотиб олиб, фойда қўра-ди, бундай телба шаҳарда яшайдан ўлимни афзал кўрган судья Клеон ўз жонига қасд қилишига оқ қолади.

Инсон ўлими қандай содир бўлишидан қатъи назар рағбатлантирилмаган ҳодиса эмас. Лекин Геростратнинг Клеон қўлида ўлим топишини томошабин қарсақ билан қарши олади. Сабаби, бу ўлим адолатнинг жаҳолат устидан ғалабасидир. Спектаклнинг

## ТАМАДДУН ИЗЛАРИ

Стоунхенждаги эллик тонна-лик ғаройиб харсанглр йўни-ланган жойидан қандай қилиб та-шиқ келтирилгани кўпдан буён олимларни қизиқтириб келаёт-ганди.

— Буюкбританиялик мутахас-сислар буни аниқлаш учун ўзига хос тадқиқот ўтказиш-ди, — дейди Миср эҳромла-рига доир ғаройиб геофизик ҳодисаларни ўрганган физи-ка-математика фанлари док-тори О.Хаврошкин. — Маъ-лум бўлишича, инсоннинг қўли ҳамма нарсага қодир экан. Ингирма тўрт киши бунга бир-бир ярим километрга судраб боришга муваффақ бўлган. Оғирлиги эллик тон-



муסיқий партитураси (муסיқий безакчи Д.Исмоилов) бой, ранг-баранг, суккут ҳолат-лари, образ кечинмаларидаги бурлиш нук-талар муסיқий ургулар орқали жонли лавҳа-лар тарзида намойён бўлиб туради. Лекин спектакл декорациялари анча қашшоқ, саҳ-на воқеаларидаги ўзгаришлар бадий безак-да ақс этмайдди.

Асарни саҳнага қўйган режиссёр, Санъат институти профессори Арсен Исмоилов спектаклда актёрлар ансамблини яратиш билан бирга, ҳар бир образнинг ўзига хослигини намойён этишга эришган. Айниқса, шаҳар буз-руквори Тиссафери ва театр одами ролини ижро этган Ўзе-бон кистон халқ артистлари Элёр Носиров ва Аф-зал Рафиқов изланишлари образга ёндашу-винг кўламдорлиги билан диққатни тортади. Талмовсираш, кескин ҳолатларга кирмаслик, хотинининг бузқў йўлга кирганини билса-да, бунга ишонмасликка уриниш Э.Носиров қаҳрамонини томошабин кўз олдида ўта па-сткаш кимса сифатида намойён қилади. Бу сарқира образ томошабинни фикрлашга ундайди. Умумлаштириш орқали актёр уни сатирик образ даражасига олиб чиққан. Баъ-зида актёрлар "Салбий ролим учун томоша-бин мени ёмон қўриб қолди" дейди. Актёр ижро маҳорати орқали ўз ижодкорлик шах-сини кўрсата олмас, шундай хол руй бера-ди. Э.Носиров ўйин (сўз тусланишлари) ор-қали бир кимсаннинг лўттибозлигини шундай фош этадики, у образни ёмон кўрасиз, актёр усталигидан эса завқланасиз, маҳорати учун қарсақ чаласиз, рағбатлантирасиз.

Актёрнинг ўз ролининг кашфиётчиси бўли-ши унинг интеллектуал қудрати орқали зу-ҳур топади. А.Рафиқов талқинида театр ода-ми инсоният тақдирига масъуллик билан қаровчи зиёли тимсолида гавдағанади. У қуруқ ўғитчи бўлиб қолмайди, томошабинда қизиқиш уйғотиб, саҳнада кечувч воқеалар ҳақида фикрлашга даъват этиб бўлади. Баъ-зида воқеаларга аралашади, бу йўлни усул спектаклда яхлитлик яратишда муҳим восита-га айланган.

Баланд бўлиш, саҳнада ниҳонда қовушим-ли актёр Илҳом Рўзиев ижросида Клеон адо-лат тимсоли тарзида спектаклнинг асосий қаҳрамонига айланган. Агёр Клеоннинг ҳақиқат йўлида изтироб вазият чекишини, судия сифатидаги виждонинг бурчдорлик ҳис-сини ёрқин очиб берган.

Герострат ёш актёр Пўлат Норматов мисолида муносиб ирочисини топди. Герострат хаёлий қилажак ҳақида шу қадар жўшиб, кўтаринки руҳда афсо-налар тўқиб, гўл, нўдон кимсаларнинг пинжига кириб, ўз тузоғига илтири-ришга устаси фаранг. Актёр ўз ижроси билан бундай тимсалардан томоша-бинни эҳтиёт бўлишга чақиради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Матёқуб Матжонов ва Жумадулла Рамаев судхўр Кристин ҳамда назоратчи роллари-да ўз манфати йўлида ҳар қандай паства-ликдан топиладиган худбин кимсалар қиёфасини очиб берганлар.

Афсуски, Клементина (И.Муродова) обра-зида ҳис майли ва ақл олишуви яхши очил-маган. Бу нуфузли аёл ўз қадрини ҳам қўр-са-ти билганида, оддий суюқоёқ аёлга ўхшаб қолмас, образ салобати ошган бўларди.

Миллий театрга кейинги йилларда анча-гина ёшлар келиб қўшилиди. Институт таъ-лимини амалиётга таъбиқ этиш уларнинг касбий тақомиллига муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода тақрибани театр педагоги Арсен Исмоилов "Номинг ўсин" асарини ёшлар иштирокида саҳнага қўйгани айтиш мумкин бўлди.

Сотимбой ТУРСУНБОВ, профессор

дан 30 километр масофада шу тошлар йўниланган жойини ҳам ах-тариб топишган.

Милодий эрадан аввалги II аср-да вавилонлик (ўша даврдаги энг тараққий этган мамлакат) қохилар ибтидоий кельтларни тош йўниш ва бинокорлик технологиясига ўргат-ган бўлиши мумкин. Орадан минг йил ўтиб, бу усул нега йўқолиб кет-ган? Стоунхенжда ҳам худди қа-димки Мисрдаги каби ҳозиргига қараганда анча ри-вожланган тамаддун излари қолган, дейиш мумкин.

Дунёнинг барча қитъала-ридан топилаётган шу каби далиллар бу тахминнинг ман-тикли эканидан далолат бера-ди. Ута тараққий этган мазкур тамаддун Ернинг ўзида пайдо бўлганми ёхуд ўзга сайёралардан келтирил-ганми, ҳозирча буни исбот-ловчи далиллар йўқ.

## Доний ҳамроҳ

Санъатшунослик фанлари номзоди, муסיқашунос Ирода Фаниева ўзбек му-сиқа санъати ривожига хисса қўшиб ке-лаётган олимлардан бири. Унинг илмий ишлари, илмий-маърифий марузалари кўпчиликка таниш. Олиманинг "Шарқ мамлакатлари муסיқа тарихи" ўқув қўлланмаси Яқин ва Ўрта Шарқ, жум-ладан, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Афғонистон, Эрон ва Араб мамлакатла-ри муסיқа бойликларини қамраб олган. Шу боис мазкур китобда ҳар бир мамлакатнинг географик ўрни, худуди, аҳолиси, миллий анъаналари ҳақидаги маълумотлар баро-бариди, муסיқа санъати ҳусусида ҳам тўхталиб ўтилган. Асар-да мумтоз куй ва ашуларга алоҳида эътибор берилиб, шарқ му-сиқа дунёсига машхурликка эришган намояндаларнинг энг сара муносиқий намуналари жамланган дикса ҳам ҳавола этилган. "Шарқ мамлакатлари муסיқа тарихи" қўлланмаси ушбу фан бўйича Ўзбекистонда ёзилган илк асар сифатида талабаларнинг ижодий изланишларига тўртки бўлади, деб ўйлаймиз.

Нилуфар ҲАСАНОВА, консерватория талабаси

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, "Ўзе-бекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамгармаси ҳам-корлигида "Болалардан болаларга" деб номланган хайрия кон-цертининг ўтказилди. Тингловчиларнинг аксарият қисминини меҳ-рибонлик уйи тарбияланувчилари ташкил қилди.

Концертда Успенский номидаги академик лицей ўқувчи-ларининг оркестри ўз маҳоратини намойиш этди. 3-синфда таҳсил олаётган Илҳом Муҳид-динов (скрипка) ва Искандар Мамадалиев (фортепиано) Ф.Шопеннинг "Экспромт" ҳамда Ж.Массеннинг "Хаёла" асарларини ижро этди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, симфо-ник оркестрнинг бадий раҳбари ва дирижёри Ботир Расу-лов раҳбарлигида Нилуфар Муҳиддинова И.Штрауснинг "Артист ҳаёти" валиси, Иван Дунискиев В.Моцарт 40-сим-фониясининг I қисмига дирижёрлик қилди. Ўқувчилардан Нодира Дадамұхамедова (скрипка) ва I босқич талаба-си Динара Шаҳиддинова (скрипка) ижролари ҳам олқишга сазовор бўлди. Хайрия концертида ёш болалар ўз тенгдош-ларига концерт дастурини совға тариқасида ҳаля етдилар. Концертдан тушган маблағ ҳам ногирон болаларга ҳаля эти-лади.

Наргиза СУЛТОНБОВА, Зулфия БАДАЛОВА

Абу Алининг ҳазили

Бир олим ўзи ёзган китобни Абу Али Ибн Синога (мақтанаш учун) кўрсатди. Абу Али китобни бошдан охиригача арақлаб кўриб чиқди ва эгасига қайтарди.
Уша куни олим ўз китобини подшоҳга (Бу-хоро амри Нуҳ ибн Мансурга) совға қилди.
Амир сўради:
— Бу китобни ким ёзган?
— Буни каминга ёзганман, — деди олим.
Ибн Сино кулимсираб:
— Йўқ, бу китобни мен ёзганман, — деди.
Подшоҳ ажабланиб сўради:
— Буни қандай исботлайсан?
Ибн Сино китобнинг мазмунини бошдан охиригача ёдан айтиб берди.
Ҳақлиги олим подшоҳ олдида хижолат бўлиб, нима дейишини билмай қолди.
Подшоҳ китоб муаллифини койиди:
— Нечун ёлгон гапирдинг?
Ҳақлиги олим қуйиниб, ўзини оқлай бош-лади.
— Бу китобни, ахир, мен ёзганман.
Подшоҳ Ибн Синога савол назари билан қаради.
Ибн Сино жавоб берди:
— Олий ҳазрат, афв этинг. Бу китобни шу олим ёзган. Мен фақат унинг китобини бир арақлаб чиқиб ёлгон олмаган эдим.
Подшоҳнинг чиройи очилиб, ҳар икки олимни мақтади.

Подшоҳ унга тушунтирди:
— Бу дурбин орқали икки фарсанг узок-иқда кимлар келаётганини кўриш мумкин.
Икки фарсанг — 12 километр — М.М.)
Ибн Сино айтди:
— Тўрт фарсанг узок-иқда ким келаётган-мен дурбинсиз ҳам кўра оламан.
Подшоҳ «Қани, айт-чи!» деб сўради. Ибн Сино айтди:
— Икки фарсанг нарида бир отлик келаётган.

ЧОДИР КИШИЛАР
ҲАҚИДА ЛАТИФАЛАР

Тир. У киши ширин одам экан?
Подшоҳ ажабланиб сўради:
— У киши ширин одам еганини қаердан билдинг?
Ибн Сино жавоб берди:
— Бу отликнинг ширин одам еганини унинг оғзи атрофида уралашган шашлардан билдим.
У одам яқин келиб салом берганида подшоҳ ундан сўради:
— Яқинда қандай таом егандинг?
У киши жавоб берди:
— Холва еган эдим, жаноби сизлар.

мушкулнинг ҳам иложини топди. У кечаси карвон аҳли ухлаб ётганида туяларнинг бўйиндаги зангула-кўнгироқларнинг ўринларини алмаштириб, ўзга бир сало чикадиларни қилиб қўйди. Эрта тонгда карвон йўлга тушганида кўнгироқлар шундай бир маромда сало чикадиларни, одамлар яна ухлаб қолдилар. Шу куни Ибн Сино анча ором топди. Яна кеч бўлди. Карвон бир жойда тўхтади. Одамлар озроқ таом еб яна уйғуға кетди.

онасида «Шу ростми?» деб сўрашибди. Ситора бону тўғриси айтилди:
— Мен чақалоқни ҳовлига олиб чиққанимда бошни узра галвир билан қуёшни тўсиб турган эдим.

Луқмони ҳақимнинг жавоби

Луқмони ҳақим занжи қул эди. Бир яхши одам уни хизматкорликка сотиб олди. Луқмон бир қанча вақт хожасига хизмат қилиб юрди. Хожаси бир куни унинг оқиллигини синаб кўриш учун кўй сўйиб, энг ёқимли жойни олиб кел, — деди.
Луқмони ҳақим кўйни сўйиб, унинг юрагини ва тилини кесиб келди.
Бир неча кундан сўнг хожа қулга яна бир кўйни сўйиб, энг ёқимсиз жойни олиб кел, деб буюрди.
Луқмони ҳақим кўйни сўйиб, яна унинг юрагини ва тилини олиб келди. Хожаси ҳайрон бўлиб:
— Бу ишингни қандай тушуниш керак? — деб сўради.
Луқмони ҳақим жавоб берди:
— Дунёда энг ширин нарса — покиза юрак ва ширинсўз тилдир.
Дунёда энг ёқимсиз нарса — бемехр, тош юрак ва илғовар тилдир.
Донишманд Жолинус йўлда бир чиройли йигитни учратибди. Унга бир неча савол берган экан, йигит қўпол жавоб берибди.
Жолинус ҳақим ўзинча:
— Жомнинг сирти олтин экану, ичи мис экан, — деди.

Олам парчалари

Абу Али Ибн Сино мадрасада ўқиб юрган вақтида сабоқдош дўстларига:
— Мен туғилдим оламни парча-парча ҳолда кўрдим, — деди.
Уртоқлари ажабланиб, Абу Алининг

Муҳаммад Ибн Сулаймоннинг «Қиссату-л-улаймо» асаридан.
Фарсийдан Маҳкам МАҲМУД таржимаси

Соғлигинг — бойлигинг

ШИРИНЛИК, ОЧИҚ ҲАВО ВА БОЛАЛАР

Ёш болалар ширинликка ўч бўлади. Ҳўш, ширинлик болалар соғлигига қандай таъсир кўрсатади?
— Болалар беш ёшгача конфет нималигини билмаслиги керак, — дейди профессор Н.Ваганов. — Қимматбаҳо конфетлар ўрнига олма ва бошқа меваларни харид қилганингиз маъқул. Болаларнинг овуқатланишини ҳам тўғри ташкил этиш керак. Гўдак онасини қанча кўп эмса, турли хасталиклар билан шунча кам оғрийди. Бу уруш давридаги блокадалар пайтда ўз исботини топган. Болалар овқати таркибиде аънаваный бўтқалар, сўт, кисел каби таомларнинг аҳамияти катта. Болаларнинг тез семириб кетиши ҳам у қадар яхши эмас. Семиз болалар қандли диабетга чалинишга мойил бўлишади. Ҳозир жаҳонда уч юз миллион бола шу хасталикка мойил.
Таомни кўп истеъмол қилиш ва кам ҳаракатлик турфа хасталикларга йўл очади. Эътибор беринг, авваллари болалар кўни билан очик ҳавода ўйнашган. Ҳозир эса кўп қаватли уйлар оралиги ёки боғчалардаги қумлоқ ва аргим-чоклар ёнида икки соатгина бўли-шади, холос. Байрамларни ҳам улар очик ҳавода эмас, усти ёпиқ биноларда ўтказишади. Бу жойлар кўп ҳолларда турли юқумли инфекцияларга бой бўлади.
Бой хонадонларда ота-она кўпинча иш билан банд, ёлланган бувилар уларни гимназия ва тўғра-рақларга олиб боради. Мактаб парчасида олти соатлаб ўтириш, сўнг репетиторга бориш, мусиқа мактабига қатнаш, дарс тайёрлаш ва компютер ўйинлари, боз устига, эҳтиёт бўлиш нуқтаи назардан болаларнинг мактабга транс-портда бориб келишини ҳисобга олсангиз, уларнинг очик ҳавода ўйнагани умуман вақти қолмайди. Билим олиш яхши. Бироқ бундай тартиб болаларнинг соғлом ривожланишига ҳалал беради. Бу ўринда оқилона тузилган махсус жадвалга риоя этиш мақсадга мувофиқ. Бошланғич синфларда болалар учун ҳар куни жисмоний тарбия сабоқлари ташкил этилиши зарур.
Болаларнинг соғлом, бақув-ват, кучли бўлиши учун уларни гўдаклик чоғидан чиниқтириб боришга, очик ҳавода ўйнашига кўпроқ аҳамият беринг.

АСАЛ ВА ҚИЗИЛ ҚАЛАМПИР

Шамоллаганда, айника, гриппга чалинганда бу хасталикларнинг ўзидан кўра асорати ёмон.
— Грипп оққанда радикулит, полиневрит, невралгия, ўпка зотилжамии каби асоратлар қолиши мумкин, — дейди фитотишфорк Е. Мингинович. — У юрак-кон томир тизимига кучли таъсир кўрсатади. Грипп юқмаслиги учун табибий воситалардан фойдаланган ҳолда, иммунитетни ошириб бориш зарур. Бунда асал ва қизил қалампирдан фойдаланиш кўл келади. Улар энг яхши муолажа вазифасини бажаради. Таомдан аввал 20 мл. қалампир қўшилган асал эритилган сувдан ичиш керак. Уни уйда тайёрласа ҳам бўлади. Украиннинг Немирлов шаҳрида гречка асали ва ўта аччиқ чили гармдорсиндан асалли сув тайёрланади. Бунда асал умумий қувват берувчи восита саналади. Асал таркибидеги аччиқ қизил қалампир эса, иммунитетни ошириб, кучга-куч қўшади, тер чиқаради, балғам қўчиради ва ҳароратни туширади. Асал ва қизил қалампир таркибидеги бой моддалар қонга сўрилади ва ундан тўқималарга ўтади. Майдалаб тўйилган қалампир бешга бир миқдорда асалга қўшилиши ва бир чой қошиқдан кунига бир неча марта ичилади. Устидан озроқ сув ичиш мумкин.

Спиртли ичимликларнинг соғлиққа зарари ҳаммага аён. Шундай бўлса-да, байрамлар, турфа кўнгилоқлар тадбирларни уларсиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан, ичкиликнинг соғлиққа зарарини камайтириш учун нимага аҳамият бериш лозимлигини билиб қўйган яхши.
Масалан, шампан виносини кучли таомлар билан ичиб бўлмайди. Негаки, газланган муздек алко-голл овуқат ҳам бўлиш жараёнини сустайтиради. Бунга риоя этил-маса, таомлар ўн икки бармоқли ичакда туриб қолади ва меъдага тўла хазм бўлмасдан, яъни меъ-да шираси ёрдамида парчалан-масдан тушади. Оқибатда, у қориннинг санчиб оғришига олиб келади. Шампан виноси тухум қўшилган оливиё ва бошқа таом-чўқариб улгурмайди. Натигада у тўлрана бориб бутун организмни захарлай бошлайди.
Бугўди спиртидан қилинган ичкилик организмдаги тузаларни ювгани сабабли тузаларнинг боднинг, помидор, қарам газак қилинган заҳоти организмдаги туз миқдорини меъбага келтиради. Тузла-маларнинг яхши газаклиги, одам-лар ичкилик инган кўннинг эрта-сига шўр-аччиқ таомларни хуш кўриши сабаби шунда. Спиртли ичимлик ҳаддан зиёд совутиб-музлатиб юборилса, унинг таъми бузилади.
Меъбада истеъмол қилинган аналголисиз қизил мусаласнинг нафи кўп. Унинг таркибиде анти-оксидантлар, микроэлементлар кўплиги таомнинг хазм бўлишини энгиллаштиради. Оқ мусаласда

ҚИЗИЛ МУСАЛАСНИНГ МЕЪБЕРИ



лар билан ҳам «чиқшмайди». Бу таомлар ичкилик таъминини бузади. Кальмар, криветки каби денгиз маҳсулотлари шампанбо таом-дир. Ширин шампан виносидан сўнг ҳар хил мева ва ширинлик истеъмол қилган маъқул. Бу винони фақат бир бокал ичишингиз ўзи ки-фоя. Фақат унутманги, қадаҳда кўйи вино охиригача ичимлай идиш-да туриб қолса ва устига янгиши қуйилса, унинг таъми бузилади.
Картошка, қовурилган гўшт, майонезли салатлар, ёғли таом-лар ароқ ичилганда унинг бирда-нинга қонга сўрилмаслигини ол-дини олади ва кишини маст қилиб қўймайди. Бироқ бунинг ҳам меъ-ба бор: бир килограмм вазига бир грамм ароқ муайян меъба ҳисобланади. Байрам ва хурсанд-чиликлар шарафига бу меъба ошадиган бўлса, алкоғолнинг ўзи-дан ҳам кўра, у парчалангандан сўнг ҳосил бўладиган ацетальде-гид хатарлидир. Агар у аъзо ба-даннингизда кўпайиб кетса, орга-низм бу захарли токсинни ўзидан

«Шум бола» сийлови

«Шум бола» чойхонасида йил якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Чойхўрлар бир қанча чойнақларни бўшатишгач, «Узим ўқийман» рукнида йил давомида эълон қилинган шеърларни танлов асосида қайта кўздан кечириб, саралаб, уларни газетамизнинг йилбоши со-нида эълон этишга қарор қилишди.
Марҳамат, азизлар, танлов голибларининг жажжи ва завқли асар-ларидан яна бир марта баҳраманд бўлинг!

КАЧОН ОДАМ БЎЛАМАН?
Бобом шунқорим, дейди,
Отам тўқорим, дейди,
Онам кўқорим, дейди.
Гоҳо ўйга толаман,
Қачон одам бўламан?!
ТЕЖАМКОР
Оёғимга миҳ киргач,
Беҳуда жапар онам:
— Туфлингни кийсанг, бу ҳол рўй бермасди-да болам!
— Кийганимда туфлини, биласизми, нетарди?
Ҳам туфли, ҳам оёққа
Шу миҳ кириб кетарди!

Ўта БЕРДИЁР,
2010 йил, 25 июн
ТАНДИРГА ҲАЗИЛ
Сен борки, нон — ҳаёт бор,
Жон тандиржон, ўлма сан.
Лекин, лекин бунчалар
Оғзи очик бўлмасанг.
Куйиб-пишиб қолсан
Қийнаб ширин жонингни,
Узиб олиб кетарлар
Оғзингдagi нонингни.
Дилшод РАЖАБ
2010 йил, 23 январ

Нурмуҳамедова Дильбар Ақиловна номига берилган Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Холми-Такташ кўчаси, 35-уйга тегишли бўлган уй ва (БТИ ҳужжатлари) йўқолгани сабабли бекор қилинади.
Иккинчи Тошкент юридик коллежи томонидан 2009 йил Сандова Рихсониса Мирсобиет қизи номига берилган №663 рақамли йўқолиш гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.
Хабибуллоев Абдувосит номига Тошкент шаҳар, Миробод тумани, БТИ томонидан берилган 8-март кўча, 15-уйга тегишли бўлган уй ва (БТИ ҳужжатлари) йўқолгани сабабли бекор қилинади.
Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси томонидан Ильясов Санжар Равашинович номига 12 июн 2004 йил В №149679 рақам билан берилган (руйхат рақами 17162) бакалавр дипломи йўқолгани сабабли бекор қилинади.
«SANGZOR-SERVIS» МЧЖ (инн-204046836) «SANGZOR-PLASTICS» МЧЖ (инн-300957604) қўшма корхонаси билан қўшилиётгани туфайли қайта ташкил этилганини маълум қилади. Шу муносабат билан барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича Тошкент шаҳри, Иноқобод кўчаси, 1-тор кўча, 7-уйда жойлашган «SANGZOR-PLASTICS» МЧЖ қўшма корхонаси ҳуқуқий во-риси ҳисобланади. Барча савол ва дилволар билан 400-58-07 телефони бўйича муурожаат қилиш мумкин.
«GLOBAL CLASS PROM» Шуъба кор-хонаси МЧЖга айлантирилди. Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман

ЧУМОЛИ
Сизга кўрсатиб бердим
Қандай метро қуришни.
Энди ўргатсам эдим
Саломлашиб юришни.
СУВАРАК
Ёқтирсам ҳам пишлоқни,
Ёқтирмайман қишлоқни.
Хуш йўқ экин-тикинга,
Нима етсин текинга.
БАЛИҚ
Ҳамиша юраман жим,
Йўқ-да бошқа иложим.
Сўзлай десам бир зумга,
Сув қиради оғзимга.
Худойберди КОМИЛОВ,
2010 йил, 23 апрел
ТЎТИҚУШГА
Гапирдим деб, тўтвой,
Гердашсан бунча ҳам.
Эшитганман «нутқингни»,
Ўғрисан сен муттаҳам.
Ахир, менга не фойда
Такорлаган сўзингдан.
Айтганимга битта сўз
Қўшолмасанг ўзингдан.
Кўзи ИСМОИЛ,
2010 йил, 30 апрел

Абдулла Қодирий кўчаси, 7А-уй.
«BENEFIT-BIZNES» МЧЖнинг Устав фон-ди 146808511 сўмдан 41000000 сўмга камайдди. Манзил: Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, 1-уй.
«VAQT-G'ANIMAT» хусусий корхонаси Устав фон-ди 4152742 сўмдан 50000 сўмга камайдигани маълум қилади.
Терзиев Всеволод Борисович номига №03-02/6747 рақам билан 16.01.2001 йил уй эгаллик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.
Тошкент шаҳар Миробод туманида рўхтадан ўтган «BLACK GOLD STOCK» МЧЖ (инн-301709150) Устав фон-ди 2 185 710 000 сўмдан 1 200 000 000 сўмга камайдигани маълум қила-ди. Эътирозлар 235-92-83 телефон рақамлари ор-қали қабул қилинади.
Тошкент шаҳар Миробод туман ҳокимлиги тадбиркор субъектларни давлат рўйхатидан ўткази-ш бўлиминдан рўйхатга олинган «FAYZ NUR SAVDO» МЧЖ (инн-206071433) тугатилди. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида А. Фитрат кўча 5А-уйда қабул қили-нади. Тел: 283-30-11.

Маданият ва спорт ишлари вазири, «Ўзбектеатр» бирлашмаси Фаргона вилоят теат-ри директори Саидали Одиловга укаси
Саидғанихон САИДҲЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Жумани иш вақти охи-рлаб қолди қўқисдан йиғи-лиш чакирди. Эртага текши-рувчилар келган эмил. Энг кизиги, соатга тўрту нол-нол-да борамиз ҳамма хоналар очик бўлсин, йиғилишди. Фа-кат қарадган, қани ташкил-отдан келаётганини кўриб қизи-миз ўқиб ололмади.
Биринчи муовин ҳолатни баён қилгандан кейин башорат қилишлар бошланди.
— Хойнаҳой санитария назо-рати марказидан бўлса ке-рак, — деди кимдир. Анчад бери жимиб кетишди. Зерик-май тез-тез келиб туришарди.
— Ҳамма хоналар чиқ-бўлсин деганига қараганда, ённингга қарши курашувчилар-дан бўлиши ҳам мумкин. Қўлбо-ла электр исит-гичларни йўқо-тиб керак. Жа-римаси ошйиб тушади.
— «Иссиқлик манбаи» деган ташкилот ҳам бор. Иситишни қўйилтмасла ҳам назоратни бошлайди... Деразаларга плён-ка қоплашни эсдан чиқарман-глар.
— Хисобхона, оморхонада-гилар ҳам у ёқ-бу ённингга қараб қўйинглар. Агар тафтиш-чилар бўлса, келиб-боқ газна билан оморбори муҳрлашди.
— Ҳар қандай ҳолатда ҳам аввало ҳужжатларимиз жойида бўлиши керак, — деди муовин.
— Бугун-эрта ёзув-чизувларни ҳам ўхшатиб қўйинглар.
— Навбатчилар жойида бўлсин. Зарур бўлса қўшимча кучайтирилган навбатчилик ташкил этилсин. Ҳар қачондан ҳам хушёр бўлинглар.
— Меҳмонлар келганда шо-шиб қолмайлик, — дея касаб-қачум раисига юзланди муо-вин. — Бир пиёла чойни қаер-да ичирамиз, кечки овқати, меҳмонхонаси қандай бўлади. Ҳаммасини режалаштириб, тахт қилиб қўйинглар.
— Дастурхонларинг қуюқроқ бўлсин, — деб гап ташлади оқсоқоллардан бири. — Ша-вла кетса кетсин, обрў кетма-син, деган гап бор.
— Ҳар бир бўлим сўнги уч йиллик фаолияти ҳақида ба-тафсил маълумот тайёрлаб қўйсин. Ахборот гуруҳи уни зудлик билан умумлаштирсин.
— Ҳар бир ходим асосий фа-олиятидан ташқари бугун жа-ҳонда юз бераётган воқеа-ва-ходисалар ҳақида савол-жа-вобларга ҳам тайёр бўлиб тур-син. Билиб бўлмайди, ҳар бир ходим билан савол-жавоб ўт-казамиз, деб туриб олишлари ҳам мумкин.
— Ҳар эҳтиmolга қарши хо-

ОЛАМУШУКНИНГ КАТТАСИ

бизни кутиб оладиган, бошқа кичи эканлигини билгач, энгил нафс олиб, ортидан мамун қара қолдиган бўлиб қолган-ми.
Бўшларнинг бошлиқлари аллам қалғача ўтказилган, ўтказилган йиғилишларнинг баённомалари, гапирган-га-пирмаган чўтиқларнинг сўзла-рини ёзиб компьютердан чи-қариш бийн банд бўлишди. Ишни эмасқоғозини сўрайдиган текширувчиларни кўра-вериб пишиб ётган «ижодкор-лар ҳамма ҳужжатларини «жап» деганнинг остига урадиган холга келтириб қўйишди.
Шанба куни эрта тонгданок ҳамма асосий эътиборни меҳ-монларни яхши кўиб олиш ва эсон-омон кузатишга қаратди. Таътилдагилар ҳам текширу-вчилар келётгани миносабати билан барвақтон чакириб олинди.
Коровулларга махсус кийим кийдириб, бўйинбоғ тақдириб қўйдик. Ходимлар либосларда киядиган ишбосларда келишди.
Корхона худудида хашар уюштирилди. Тараддудга қимирлаган жон борки ҳамма-си сафарбор этилди. Асфалт йўллар совуллаб ювилди. Дар-воза ёнига очилиб турган гул-лар кўчириб ўтказилди. Хонадо-нида гул этиштириб, бозорда сотадиган аёлдан ижарага ол-тишди тувакда гул олиб кели-б, қўринарли жойларга териб чи-қдик. Гулчи хола билан ортиқча савдолмашиб ўтирмадик. Чунки ҳар гал юқоридан меҳмонлар келганда қонимизга шу аёл оро қиради. Атрофларга сув сепил-ди. Дараклар оқланди. Янги шиорлар осилди.

Дам олиш хонасидаги уч ой-дан буён бузуқ ётган телевизор тусатилди. Таъминотчи бозорга чиқиб турваҳалтасини гиста-бо-дом, қазик-қарта, узун-калта шилшалар билан шўлдирди келди. Ошпаз шўврани қайнатиб, ош-нинг масалликларини тўғраб қўядиган бўлди.
Ўзининг асосий вазифаси нима эканлигини ҳам унутиб юборган меҳмон кутушига «их-тисослашган» ходимларга қанот чиқди. Уларнинг бир пи-ёла чой учун харажатларни ҳар галгидек кимгадир моддий ёрдам ёздадириб ёпиш ҳақида-ги маслаҳатлари охирига ет-мади. Дарвозадан рулига хал-

та осилган велосипед етакла-ган, эгнига ола-булла куртка-шим, бошига латта қалпоқ кий-ган киши кириб келди.
— Бевақт келдим, шекилли, — деди у сал хижолат бўлган-дай.
— Ҳа, биз комиссия кутаётган-дик, — деб изох берди уни та-нахийдиган ҳўжалик мудири. —Кеча кўнгирок қилишган экан... «ўн тўрту нол-нолда борамиз», деб.
— Мен ҳам шунанга деб кўнгирок қилувдим... кеча...
— Нима? — деб ўринлари-дан туриб кетишди қатор саф-ланиб ўтирган меҳмоннавоз-лар.
— Ўтган сафар келганимда айрим хоналар ёпиқ эди. Бу са-фар барча хоналар очик бўлсин, деб кўнгирок қилув-дим.
— Нега? — деди кимдир аса-бийлашиб.
— Қоидаси ўзи шундай. Ҳамма хонада бир вақтда иш олиб борамиз. Акс ҳолда до-римиз бекор кетади.
— Қанақа дори, қанақа иш? Э, сиз кимсиз ўзи?
— Ие, мени танимайдиган одам бор эканми?.. Бу туман-да сикнонларга кирон келти-радиган ягона мухтаассис — оламушукнинг каттаси ўзим-ман-ку. Казо-казоларнинг дабдалаби хоналарни хона-донларига ҳам дорини ўзим қўяман. Манави халтада сич-кондорининг энг тозаси бор. Ҳозирок ҳамма хоналарга қўйиб чиқаман. Ортиб қолса беришим ҳам мумкин. Уйга ҳам олиб кетасизлар. Ишчи-ли... эриб сангизлар бўлди-да.

Хабиб СИДДИК
Анджон
Баъдий ижодкорлар уюшмаси уюшма аъзоси, танқидчи рассом
Орифжон МУИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг ила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРИЯТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ
ҲОМИЙ: «МАБҲУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ
Манзилмиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Кабулхона — 233-52-91 Электрон манзилмиз: info@uzas.uz
Котибият — 233-49-93
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Ижтимоий хайт бўлими: 236-58-55
Санъат бўлими: 236-56-48
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

«Шарқ» нашриёт-матбаа акцијадорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.38

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
ГАЗЕТА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДА 0283-РАҚАМ БИЛАН РЎЙХАТГА ОЛИНГАН. А — 7320 БУЎРҒА Г — 148. ҲАЖМИ — 5 БОСМА ТАБОҚ. НАШР КЎРСАТКИ — 222. ТАШКИЛОТЛАР УЧУН — 223. 1 2 3 5